# МАТНШУНОСЛИК

## давр талаблари даражасидами?

Бошланиши биринчи саҳифада.

**Нурбой ЖАББОРОВ:** — Албатта, бу соҳада олдимизда талайгина вазифалар турибди ва улар ниҳоятда долзарбдир. Мен, аввало, матншуносликда эришилган ютуқларимизни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Ўзбек матншунослиги шу пайтгача, шубҳасиз, салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Бу ютуқлар, айниқса, улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарларини ўрганишда яққолроқ кўзга ташланади. Порсо Шамсиев, Ғулом Каримов, Ҳамид Сулаймон, Азиз Қаюмов, Суйима Ғаниева сингари устоз олимларнинг бу борадаги фаолияти таҳсинга лойиқ. "Хамса", "Мезон ул-авзон", "Мажолис ун-нафоис" каби беназир асарларнинг илмий-танқидий матни яратилгани навоийшуносликни янги босқичга юксалтиргани бугун ҳеч кимга сир эмас. Матншуносликда эришилган бу ютуқлар кейинги даврда Бобур, Огаҳий, Фурқат ва бошқа мумтоз шоирлар, ижодкорлар мероси мисолида давом эттирилаётгани қувонарли ҳол. Мен бунга иккита мисол келтириш билан чекланаман. Биринчиси, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг дунёда ягона қўлёзма нусхаси Санкт-Петербургда сақланаётган "Шоҳид ул-иқбол" асарининг матншунослик аспектида тадқиқ қилингани, асар матнининг илмий изоҳлар, кўрсаткичлар билан нашр этилгани бу соҳада сўнгги йилларда қўлга киритилган салмоқли ютуқлардандир. Иккинчиси, Мутрибийнинг "Тазкират уш-шуаро" ҳамда "Нусхаи зебойи Жаҳонгир" асарлари тадқиқи асосида яратилган монография. Салоҳиятли олимлар Нафас Шодмонов ва Исмоил Бекжоновнинг бу ишлари фақат муайян асарларнинг теран ўрганилгани билангина эмас, матншуносликнинг бир қанча назарий-методологик масалалари ҳал этилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу тадқиқотларда ягона нусхали матн устида ишлаш принциплари, матн тарихи, тазкиранависликнинг хос хусусиятлари сингари муаммоларнинг назарий асосда ишлангани фикримизни тасдиқлайди.



Нурбой ЖАББОРОВ

Матншунослик олдида ечимини кутаётган долзарб муаммолар нималарда кўринади? Биринчидан, дунёда фаннинг бу жабҳаси замон талаблари даражасида ривожланган бугунги кунда биз ҳануз матншуносликнинг системали яхлит назариясини ишлаб чиқа олганимиз йўқ. Тўғри, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Лекин бу ишлар талаб даражасида эмас. Ваҳоланки, жаҳоннинг бир қанча мамлакатлари фан ва таълим марказларида матншунослик назариясига оид йирик ҳажмли тадқиқотлар яратилган. Матншуносликнинг барча ижтимоий фанлар, жумладан, адабиётшунослик, археография, диалектология ва тарихий тилшунослик сингари соҳалар билан муносабати масаласи анча чуқур ўрганилган. Бу фанга оид муаммоларни ҳал этишда дунё олимлари палеография, герменевтика, мумтоз поэтика ва стилистикада эришилган ютуқлардан самарали фойдаланмоқда. Модомики соҳани ривожлантирмоқчи эканмиз, бу тажрибаларни танқидий ўрганишимиз зарур. Бироқ бу хорижий матншунослик қолипларини кўр-кўрона амалиётга татбиқ этаверамиз дегани эмас. Ўзбек матншунослиги ўзига хос хусусиятларга эга. Матншунослик назариясини ишлашда ана шу ўзига хослик эътиборга олиниши шарт. Бу борада Миллий университетимизнинг мутахассислик кафедрасида муайян ишлар бошланган ва эришилган натижалар яқин орада жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилишидан умидвормиз.



Қодиржон ЭРГАШ

Иккинчидан, матншунослик анча тараққий этган айрим мамлакатларда муайян миллий адабиёт тарихида ўзига хос мақомга эга ҳар бир ижодкор асарлари юзасидан кенг қамровли текстологик тадқиқотлар амалга оширилган. Бизда эса, навоийшуносликни истисно қилганда (ваҳоланки, бу борада ҳам ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар етарли), аҳвол мақтанарли эмас. Кўпроқ баҳсларимиз мумтоз адабиёт намуналарининг жорий имлога табдилидаги хатоларга оид экани, матншуносликнинг фундаментал масалалари эътибордан четда қолаётгани ҳам бунинг исботидир. Ҳамон мумтоз адабий меросимиз намуналарини табдил қилишнинг илмий принципларини ишлаб чиқа олганимиз йўқ. Турфа хилликлар, хатоликлар негизи шунга ҳам бориб тақалади. Эски ўзбек ёзувини ўзлаштирган баъзи мутахассисларимиз араб, форс тилларидан бехабар. Буларнинг барчасини билганларда эса, адабий идрок етишмайди. Бунга лаёқатли бўлса, мумтоз ижодкорларимиз эътиқодининг асоси бўлган ислом арконлари ва тасаввуф бўйича тасаввури чала. Хуллас, муаммо кўп. Уларни ҳал этиш учун таълим стандартларини, ўқув дастурларини ана шу талабларга мувофиқлаштириш зарур.

Учинчидан, бугунги кунда жаҳон олимлари матншуносликни ўқитишда анча илгарилаб кетди. Соҳага оид электрон дарслик ва ўқув қўлланмалари, энциклопедиялар, онлайн кутубхоналар, матн тадқиқининг янгича методлари яратилаётгани бунинг далилидир. Биз эса бу борада анча орқада эканимизни тан олишимиз керак.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА:** — Менингча, биринчи навбатда, матншуносликнинг марказий ташкилий масалалари тўғрисида муҳокама юритиб, қатъий бир тўхтамга келиб олиш зарур. Булар — махсус матншунослик ҳайъатини тузиш, матншунослик жараёнларига ягона андозавий механизм сифатида хизмат қиладиган матн имлоси қоидаларини тузиш, матнларни тайёрлайдиган ва чоп этадиган мутахассис ҳамда нашриётларнинг ваколатлилик даражасини белгилаш, мамлакат миқёсидаги матншунослик ишларини мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Ҳозир мумтоз асарлар матншунослиги бўйича етук малакали мутахассислар бармоқ билан санарли даражада оз. Агар улар сарҳисоб қилинадиган бўлса, бир-икки кишидан нарига ўтиш ҳам қийин. Чунки қолганлари сезиларли даражада фаол эмас. Эҳтимол, бу мавжуд матншунос мутахассисларга эътибор ва рағбат камлигидандир. Аксарият мумтоз матн нашрларида соҳанинг қилни қирқ ёрадиган заҳматкаш мутахассисларидан фойдаланмаслик, аксинча, уларни четлаб ўтишга интилиш ачинарлидир. Матншунослик амалиётига мана шундай ёндашув оқибатида бугунгача биронта адибимизнинг меросини матн сифати ва савияси жиҳатидан мукаммал даражада чоп этилган, дея олмаймиз. Алишер Навоийнинг 20 жилдли "Мукаммал асарлар тўплами" ҳам бундан мустасно эмас. Уни буюк мутафаккир меросининг ҳажми жиҳатидан мукаммал нашри дейиш мумкин. "МАТ" тузувчи, тақризчи ва масъул муҳаррирлари доираси, асосан, ношир муассаса мутахассисларидан таркиб топган. Айрим матншунос мутахассислар умуман жалб этилмаган. Матн сифати ва савияси яхши бўлиши учун, аксинча, кўпроқ холис мутахассисларни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Гап шундаки, Алишер Навоий мероси бир-икки муассасанинг мулки эмас, балки умумхалқ мулкидир. Назаримизда, мумтоз матнлар нашрини доимий назорат қиладиган, мувофиқлаштирадиган холис бир ҳайъат зарур. Унинг номи Республика матншунослик ҳайъатими, комиссиясими, кенгашими, қандай аталишидан қатъи назар, шунчаки маъмурий бир тузилма эмас, балки матншуносликнинг марказий амалий бошқарув механизми бўлиши лозим. Чоп этиладиган ҳар бир ёдгорлик матни мана шу ҳайъат тасдиғидан ўтмоғи муҳимдир. Акс ҳолда, миллий мерос намуналарини чоп этишда бошбошдоқлик, ўзбошимчалик, монополизм, чаласаводлик ҳоллари кучайиб кетиши мумкин.

**Н.ЖАББОРОВ:** — Бу муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда, малакали мутахассислар етиштириш билан боғлиқ. Миллий университетимизда бу соҳага оид магистратура мутахассислиги, аспирантура, фан доктори ва фан номзоди илмий даражасини олиш бўйича ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатаётир. Докторантура очилиши режалаштирилган. Натижалар ёмон эмас. Бир қанча иқтидорли ёшлар етишиб келаяпти. Яқин орада муайян самаралар кўзга ташланишидан умид қилиш мумкин.

Тажрибалар матншунослик бўйича бакалавр йўналишини очиш зарурати борлигини кўрсатаяпти. Магистратурага бу соҳа бўйича дастлабки билимларни пухта эгаллаган ёшлар қабул қилинса, натижа яна ҳам яхшироқ бўлар эди. Матншуносликнинг назарий асосларига оид дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратилиши зарур. Ўқув жараёнини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш керак.

Бундан ташқари, бизнингча, бошқа турли соҳаларда бўлгани сингари, матншунослар жамиятини ташкил этиш, соҳага оид барча муаммоларни мувофиқлаштириш, ўзаро фикрлашиб ҳал этиш яхшироқ самара берар эди.

**Қодиржон ЭРГАШ:** — Ҳақиқатан ҳам, матншунослик муаммолари кейинги пайтларда адабиётшунослигимизнинг диққат марказида турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Бу ҳақда кўп гапирилди, матбуот саҳифаларида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бундай фикр алмашувлар, танқидларга қарамай ҳозирча бу соҳада жиддий ўзгаришлар юз бергани йўқ. Ҳолбуки бизда етарли илмий салоҳият, малакали матншунос олимлар бор. Бизнингча, бунинг сабаби ана шу кучларнинг тарқоқлигида бўлса керак. Юқорида айтилган фикрга тўла қўшиламан: уларни бирлаштирувчи бир марказ зарурга ўхшайди. Агар Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида матншунослик ва манбашунослик бўлими ташкил этилса, у ана шундай марказ вазифасини бажарган бўлур эди.

Қолаверса, мазкур соҳадаги муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи таъсирчан чора-тадбирларни топиш ва амалга ошириш зарур. Ана шулардан бири, бизнингча, илмий-танқидий матнлар яратганлиги учун илмий унвонлар бериш амалиётини кенг жорий этишдир. Бундай амалиёт катта ижобий натижалар берган бўлур эди. Чунки илмий унвон олиш учун тақдим этиладиган тадқиқот устида аспирант ёки докторант энг камида уч йил ишлайди, изланади. Бундай иш кўп синовлардан, муҳокамалардан ўтади. Илмий-танқидий матн тузишни номзодлик ёки докторлик ишлари қилиб бериш кўплаб юксак савияли илмий-танқидий матнларнинг юзага келишига омил бўлиши мумкин. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томондан эса, бу амалиёт малакали матншунос олимларнинг етишиб чиқишига ҳам хизмат қилади.

Бу ерда илмий-танқидий матнларни тузиш, умуман, матншунослик принципларини ишлаб чиқиш масаласи ҳам муҳимлиги тўғри таъкидланди. Бунда адабиётимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Маълумки, ўзбек мумтоз адабиёти асарлари эски ёзувда (араб ёзувида) яратилган. Илмий-танқидий матн, одатда, асар қайси ёзувда яратилган бўлса, ўша ёзувда тузилади. Ҳозирги пайтда биздаги барча нашрлар, хоҳ оммавий, хоҳ илмий бўлсин, жорий ёзувда амалга оширилади. Бундай шароитда илмий-танқидий матн ҳозирги нашрлар учун асос бўлиб хизмат қилишдан иборат ўз функциясини бажара олмайди, зеро, у, ҳозир айтиб ўтганимиздек, эски араб ёзувида тузилади. Бу ёзувда эса битта сўзни турлича ўқиш мумкин. Оқибатда жорий ёзувдаги нашрларда хатолар, хилма-хилликлар келиб чиқади. Мумтоз адабиётимиз асарлари нашрларида учрайдиган хатоларнинг энг катта қисми айнан шу омил билан, яъни араб ёзувидаги сўзларни нотўғри ўқиш билан боғлиқдир. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўзбек мумтоз адабиёти асарларининг илмий-танқидий матнларини яратишда аслият ёзувидаги асосий матн билан параллел равишда жорий ёзувдаги матннинг ҳам тузилиши шарт қилиб қўйилиши лозим. Ана шу тарзда тузилган танқидий матнгина ҳозирги барча нашрлар учун асос бўлиб хизмат қила олади.



Нусратулло ЖУМАХЎЖА

**Н.ЖУМАХЎЖА:** — Яқинда бир тадқиқотчи мумтоз шоирларимиздан бирининг ижоди юзасидан илмий иш ёзаётиб, унинг девонини ҳам "Танланган асарлар" номи билан нашр этибди. Мен илмий ишни ўрганиш муносабати билан "Танланган асарлар"ни ҳам мутолаа этдим. Юзаки қараганда, бир фан номзодлиги ишини уддалаш баробарида девонни ҳам нашрга тайёрлагани учун тадқиқотчига тасанно айтгинг келади. Бироқ мутолаа жараёнида бирорта хатосиз асар ва саҳифа йўқлигини, қўпол матний хатолар қалашиб ётганини кўргач, адабий меросимизнинг эгаси борми ўзи, деб ўйлаб қолар экансан, киши. Ахир, девон чоп этилса-ю, у сифат ва савия жиҳатидан яроқсиз аҳволда бўлса, унинг ноширдан бошқа кимга фойдаси бор? Хўш, дуч келган одам мумтоз мерос намуналарини эски ўзбек ёзувидан ҳозирги имлога кўчириб нашр эттираверишি мумкинми? Бу борада ҳуқуқ ва ваколат қандай бўлмоғи керак? Юриспруденция нуқтаи назаридан, албатта, ҳар бир фуқаро бунга ҳақли. Лекин амалда наинки ҳар бир фуқаро, ҳаттоки олий маълумотли адабиётшунос ёки шарқшунос ҳам бу ишга ваколатли ва маънавий ҳуқуққа эга бўлиши қийин. Чунки араб имлосидаги мумтоз матнлар шу қадар мураккабки, улар билан ўн йиллаб муттасил шуғулланган, минг бетлаб ҳозирги ёзувга ўгириш (транслитерация) иши билан шуғулланган мутахассисгина касбий лаёқат, малака ҳамда ваколат ҳосил қилиши мумкин.



Рашид ЗОҲИДОВ

Бу соҳада баъзан юксак билим, ақл, илмий назария ҳам иш бермаслиги, чигал муаммони ҳал этишда тажрибали матншуноснинг биргина назари, савқитабиийси (интуицияси) асқотиши мумкин. Савқитабиий Оллоҳ томонидан ато этилган истеъдод, бироқ у кўпйиллик амалий меҳнат билан янада такомиллашган бўлади. Минг-минг саҳифалаб қўлёзма ўқиган матншуносда нодир кўз хотираси шаклланади. Илмда: "Интуиция — бекор, қўлёзмага қараш керак", дея беписанд гапиришлар ҳам бўлган. Аслида, матннинг пирига айланган матншунос қўлёзмани кўрмасдан ҳам сўзни аслидагидек ислоҳ этиш салоҳиятига эга бўлади. Зеро, унинг кўз хотирасида сўзларнинг турли, фарқли шакл ва моҳиятлари муҳрланиб қолган. У матнни ҳозирги ёзувда кўриб турган тақдирда ҳам, аслиятдаги шакли кўз ўнгида яққол гавдаланади. Ёш тадқиқотчилар нашр ишларини лоақал ана шундай устозлар билан биргаликда амалга оширишлари лозим. Зикр этилган китобнинг масъул муҳаррирлари ҳам устоз олимлар. Бироқ ҳозир нашр ишларида бир хасталик пайдо бўлган — ўқимаслик касаллиги. Баъзи китобларни, суриштирсангиз, на масъулу махсус муҳаррир, на тақризчи, на нашриёт мутасаддилари ўқиган бўлиб чиқади. Ўқимасдан имзо чекиб юбораверишни бағрикенглик ва яхшилик деб бўладими?

Кўп саъй-ҳаракатларни чиппакка чиқарадиган, мумтоз матн нашрлари сифатига узлуксиз раҳна солиб келаётган энг оғриқли муаммо матншунослик жараёнларига ягона андозавий механизм сифатида хизмат қиладиган махсус имло қоидаларининг мавжуд эмаслигидир. Ушбу долзарб муаммо олдин ҳам кўп марта кўтарилган. Мумтоз адабий-тарихий матнларни нашрга тайёрлаш жараёнида қоидалаштирилиши зарур бўлган ҳодиса-ҳолатлар ҳадду ҳисобсиз. Тарихий шахслар ва сўзларни турли шаклларда ёзиш, форсий-арабий изофа, изофа занжирларини тўғри қўллай олмаслик, ўндан ортиқ форсий "йо"ларнинг қўлланиш хусусиятларини маънан фарқламаслик, мумтоз матнлардаги нозик маъно товланишларини ҳозирги ёзувда ифодалаш усулларининг ишлаб чиқилмаганлиги — бари-бариси мана шу ягона андозавий механизм муаммоси ҳануз ўз ечимини топмаётганлигининг оқибатидир. Бу муаммонинг ечимини топиш билан, шак-шубҳасиз, таклиф этилаётган матншунослик ҳайъати шуғулланиши лозим. Мазкур ҳайъат Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида таъсис этилмоғи ва у мамлакатдаги етук матншуносларни жипслаштирмоғи, жараённи мувофиқлаштирмоғи ҳамда бошқармоғи мақсадга мувофиқдир.

**Рашид ЗОҲИДОВ:** — Тахминан, чорак аср илгари қадимий ёзма ёдгорликларга муносабат мавзуида ўтказилган анжуманлардан бирида марҳум устозимиз, луғатшунос олим Ботирбек Ҳасанов фондларга йиғилган қадимий китоблар бўйича қилинаётган дастлабки илмий тавсиф ишлари ниҳояланмагани, яъни китоб сифатида фондга келиб тушгани рўйхатга олингану, аммо асарнинг номи, муаллифи аниқланмаган, умуман, қандайлиги номаълум манбалар талайгина экани ҳақида хабар берган эди. Кейинчалик бу иш қайсидир даражада тугалланиб, Қўлёзмалар институтининг икки жилдли каталоги рус тилида нашрдан чиқди.

Бугун жумҳуриятимизда фаолият кўрсатаётган фондларнинг деярли барчасида мавжуд қўлёзма ва тошбосма манбаларнинг ички каталогини тузиш иши ниҳоясига етган, ҳар бир манба ҳақидаги дастлабки маълумотлар электрон шаклда йиғилган. Навбатдаги босқичда мазкур манбалар бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларга эътиборни янада кучайтириш, матншунослигимизнинг Порсо Шамсиев каби дарғалари бошлаган ишларни тўхтатмасдан давом эттиришимиз лозим.

Хизмат тақозоси билан илмий жамоамизга тақдим қилинган адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишидаги докторлик, номзодлик диссертацияларини дастлабки муҳокамадан ўтказамиз. Баъзан муваффақият билан ниҳояланган, деб топилган ишларни ўқиб ажабланасан, киши. Гўё диссертант ҳам, унинг илмий раҳбари ҳам адабиётшунослик билан матншуносликнинг фарқига бормайдигандек тасаввур уйғотади. Баъзан мумтоз адабиёт матнларининг эски ўзбек ёзувидан жорий имлога табдилида, мазкур матнларнинг талқинида саводсизликни кузатамиз. Айниқса, арабча сўз, жумла, матнларни ўзбекчалаштиришда ўта эътиборсиз, масъулиятсиз ёндашувлар, таржимада ўзбек тилини доминант сифатида билмаслик, оқибатда она тилимизнинг талаффуз табиатини ҳисобга олмасдан бошқа тилларга сунъий тарзда мослаштиришлар, махсус тушунча ва истилоҳларни изоҳсиз, билиб-билмасдан қўллаш сабабли қўпол хатоларга йўл қўйилаётир. 2006 йили "Зарқалам" нашриётида адабиётшунос олим Ёқубжон Исҳоқовнинг "Сўз санъати сўзлиги" номли ҳамма маънода чиройли илмий рисоласи чоп қилинди. Китобга ёзилган "Мумтоз бадиий санъатлар талқини" сўзбошисида "Зухруф" сурасининг 4-ояти мисол сифатида келтирилган. Эътиборсизлик оқибатида битта оятда учта жиддий хатога йўл қўйилган ва маънога футур етган. Аввало, Қуръондан келтирилаётган иқтибос, албатта, мутахассис назаридан ўтиши керак. Қолаверса, оятларни кирилл ҳарфида ёки оригиналдан бошқа ҳарфда ифодалаш шу пайтгача яхши натижа бермаган. Шунинг учун таржиманинг ўзини берган маъқул ва шу билан мақсад ҳосил бўлади. Энг хунуги, бу ўринда негадир мазкур оят таржимаси ҳам бузиб берилган. Бир эмас, бир неча олимларимизнинг она тилимиздаги, қонуний тавсия этилган тафсирлари туриб, оят таржималарини ўша тафсирларнинг бирортасидан олмасдан ўзбошимчалик қилишнинг нима кераги бор эди?!

Матн табиатидан узоқлашиш билан боғлиқ бундай хатоларни оммавий нашрларнинг аксариятида учратиш мумкин. Алишер Навоийнинг "Назм ул-жавоҳир"(Алишер Навоий, 20 жилдлик, 15-том, Т., "Фан", 1999, 136-бет) асарида шундай рубоий бор:

*Иймони анингки куфриға сотир эрур,*
*Чин нукта демакка ул киши қодир эрур,*
*Ҳар кимсаки иймон ишида моҳир эрур,*
*Иймонини билки, отидин зоҳир эрур.*

Рубоийнинг тўртинчи мисрасидаги "отидин" сўзи "онтидин" бўлиши керак эди. Шунда маъно ҳадисга мувофиқ бўларди. Аслида бунга асос рубоийнинг сарлавҳа қисмида берилган арабий ҳикматда акс этган. Оддий эътиборсизлик ёки жумлани нотўғри ўқиш оқибатида ҳикмат маъноси бузилган.

Адабий мерос тадқиқи ва тарғиби йўлида билиб-билмасдан содир этилаётган бундай нуқсонларнинг сабаби кўп. Асосий сабаб, аждодларимиз қолдирган илм хазинасига ҳақиқий ворислик салоҳиятидаги мутахассисларнинг камлигидир. Шунинг учун ҳам бугун мумтоз адабиётимиз тадқиқи илмий-фундаментал ва методологик системада сезиларли силжимаяпти. Тўғри, филология фанининг етакчи тармоқларидан бўлган адабиётшунослик ва тилшунослик назарий-амалий жиҳатдан бой тажрибага эга. Аммо бу икки тармоқни ўзаро боғлашга хизмат қилиши мумкин бўлган матншунослик эса айни жиҳатдан оқсаяпти. Албатта, бу ҳолга маълум вақт давом этган ижтимоий-сиёсий шароит, эски ўзбек тилини, ёзувини биладиган, араб-форс тилидан хабардор мутахассисларнинг камлиги бош сабаб. Бу соҳада махсус магистратура мутахассислиги фаолият кўрсатаётгани мазкур муаммони ҳал этишга хизмат қилса, ажаб эмас.



Нафас ШОДМОНОВ

**Қ.ЭРГАШ:** — Адабиёт тарихини матнларсиз, манбаларсиз ўрганиб бўлмайди. Бинобарин, мумтоз адабиёт асарларининг илмий-танқидий матнларини тузиш, адабиётимиз тарихи учун муҳим бўлган манбаларни тадқиқ қилиш, нашрга тайёрлаш ва илмий истеъмолга киритиш ўта долзарб вазифа деб эътироф этилиши лозим. Буни фақат илмий жамоатчилик эмас, балки фанни бошқарувчи ташкилотлар, улар ҳузуридаги эксперт ҳайъатлари ҳам эътироф этишлари ва илмий лойиҳаларни баҳолашда ҳисобга олишлари зарур. Хусусан, узоқ муддатга мўлжалланмаган амалий тадқиқотлар учун эълон қилинган грантларни олиш учун тақдим этилган лойиҳаларда юқоридаги мақсадлар кўзда тутилган бўлса, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбек матншунослигининг асосий йўналишларидан бири улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарлари матнини тайёрлашдир. Бу соҳада муайян ишлар қилинган. Шоирнинг бир қанча асарларининг илмий-танқидий матнлари яратилган. Лекин ҳали қилинадиган ишлар кўп. Жумладан, Навоийнинг насрий мероси орасида ҳали илмий-танқидий матнлари тузилмаган асарлар бор. Мана шу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш мазкур асарларнинг барча илмий талабларга жавоб берадиган юқори савиядаги илмий-танқидий матнларини тайёрлаш навоийшунос олимлар олдида турган муҳим вазифалардан саналади. Мазкур ишларни амалга оширишда бизга ибрат, намуна, айни пайтда, тажриба мактаби бўлиб хизмат қиладиган тадқиқотлар бор. Бу ўринда биз "Маҳбуб ул-қулуб"нинг атоқли олим Кононов томонидан тайёрланган илмий-танқидий матни ёки "Мажолис ун-нафоис"нинг таниқли адабиётшунос олима Суйима Ғаниева томонидан тайёрланган илмий-танқидий матни сингари ишларни назарда тутмоқдамиз. Матншуносликнинг классик намуналари бўлиб қолган бундай ишлар ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди.



Қўлдош ПАРДАЕВ

**Нафас ШОДМОНОВ:** — Аслида матншунослик жуда қадимий соҳа. Узоқ тарихий асосларга эга бўлса-да, матншуносликнинг бутун дунёда системали суратда шаклланганига ҳали бир аср ҳам бўлмади. Лекин шу қисқа вақт ичида филологик фанлари ривожланган мамлакатларда матншуносликнинг назарий принциплари ишлаб чиқилди.

Ўтган асрга назар ташласак, матншуносларнинг биздан олдинги авлоди ўз зиммаларидаги вазифани шараф билан бажардилар. Уларнинг муҳим вазифаси аждодларимизнинг энг сара асарларини жорий ёзувда китобхонларга тақдим қилишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам, бу соҳада фидойилик кўрсатган олимларга ҳар қанча эҳтиром кўрсатилса арзийди.

Мустақиллик даврида имкониятлар янада кенгайди. Муҳтарам Юртбошимиз кўҳна ёзма битикларни маънавий тарбияда муҳим асос сифатида ўрганишни сиёсат даражасида белгилаб берди. Матншунослар буни ҳам шараф, ҳам масъулият деб қабул қилдилар. «Феодал-клерикал» тамғасини олган, «халқ душмани» сифатида қораланган Миллий Уйғониш даври адабиёти вакиллари асарлари илмий ўрганила бошланди, жуда катта ҳажмда нашр қилинди. Бунда ҳам матншунослигимизнинг хизматини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Лекин бугуннинг кўзи билан қараб, тан оладиган бўлсак, ўзбек матншунослиги қанчалик катта ҳажмдаги ва аҳамиятли фаолиятни амалга оширган бўлмасин, фақат амалий жараёндан иборат бўлиб қолди. Унинг ўзига хос илмий-назарий принциплари ишлаб чиқилмагани боис том маънода профессионаллаша олмади. Бунинг бош сабаби ҳаммага яхши маълум: миллий маънавий қадриятлар билан фан тараққиёти ўртасига катта тўсиқ қўйилган эди. Ҳақиқий матншунослар жуда кам эди. Улар ҳам, ҳозир айтилганидек, кечиктириб бўлмас амалий фаолият билан банд бўлдилар. Ўзбек филологияси мутахассислари орасида матншунослар етиштириш кўзда тутилмаганди. Шарқшуносларга эса, миллий тил ва адабиёт сирлари ўргатилмаганди. Оқибатда чала матншунослар кўпроқ иш бажарган...

**Қўлдош ПАРДАЕВ:** — Бу ерда адабиёт тарихини матнларсиз, манбаларсиз ўрганиб бўлмайди, деган фикр айтилди. Дарҳақиқат, шу ўринда муҳим адабий манба — XX аср бошлари матбуоти материалларини ўрганиш муаммоларини ҳам эслаб ўтиш зарур. "Ойина", "Садои Туркистон", "Садои Фарғона", "Ҳуррият" сингари машҳур матбуот нашрларида чоп этилган адабиёт материаллари анчагина ўрганилди. Бироқ "Ал-Изоҳ", "Ал-Ислоҳ", "Изҳор ул-Ҳақ" журналлари ҳақида бундай деб бўлмайди. Бу журналлардаги адабиёт материаллари адабий манбашунослик ва матншунослик аспектида тадқиқ қилиниши, уларнинг XX аср адабиётида тутган ўрни, мақоми белгиланиши долзарб илмий муаммолардандир.

Биргина "Ал-Ислоҳ" журналини олайлик. Ундаги адабий-эстетик мунозаралар янги адабиётнинг шаклланишида, тараққий этишида алоҳида аҳамият касб этгани сир эмас. Бу манбанинг ўрганилиши адабий-танқидий қарашлар тадрижини тадқиқ қилишда ҳам алоҳида ўрин тутади.

Яна бир муаммо: Миллий Уйғониш даври матбуотидаги адабиёт материалларини нашр этишда ҳам аксар ҳолларда профессионаликдан йироқлик иллати кўзга ташланади. Бу ҳол матнларнинг нотўғри табдил қилинишида, баъзан моҳиятга зид талқинларда, айниқса, яққол сезилади. Салоҳиятли матншунос кадрларни тайёрлаш бу сингари муаммоларни ҳал этишнинг асосий омилидир.

**Н.ШОДМОНОВ:** — Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, матншунослик фақат ёзувни билиш билангина бажарилиши мумкин бўлган иш эмас. Матншунос, биринчидан, даврнинг фалсафий эстетик принципларини яхши ўзлаштирган; иккинчидан, миллий тараққиёт эҳтиёжларини англаган; учинчидан, она тилининг тарихи, бугунига тегишли билимларни, жумладан, ёзувлар тарихини, бошқа тиллар таъсири ва матнлардаги иштирокини тўла эгаллаган; тўртинчидан, адабиётшунослик қоидаларидан мукаммал хабардор мутахассис бўлиши керак. Акс ҳолда, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Демак, матншунослигимиз олдидаги ҳозирги энг муҳим вазифа иккита: биринчиси, матншунослик бўйича малакали кадрлар тайёрлаш доирасини янада кенгайтириш лозим. Бунинг учун мавжуд университетлар ўзбек филологияси факультетлари талабаларига матншунослик фани умумкасбий фанлар қаторида ўқитилиши, магистрлар тайёрланиши мақсадга мувофиқ. Иккинчиси, ўзбек матншунослигининг назарий асослари, жумладан, тадқиқот, таҳқиқот ва нашр усуллари, методологияси ишлаб чиқилиши зарур. Бошқа тилларда яратилган бундай қўлланмалар ўзбек матншунослигининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш, адабий манбаларни нашрга тайёрлаш учун илмий-методологик мезон бўла олмайди.

**Давра суҳбатини Маҳмуд САЪДИЙ ва Аҳмад ОТАБОЕВ тайёрлади.**

***ТАҲРИРИЯТДАН:***

*Давра суҳбатида ойдинлик киритилган аксарият масалалар матншунослик соҳасининг ҳам илмий-назарий, ҳам амалий томонларини қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Суҳбат аввалида таъкидланганидек, ўзбек матншунослигида бой тажриба тўпланган, хусусан, бу соҳанинг бир қанча назарий-методологик принциплари ишланган, муайян асарларнинг илмий-танқидий матнлари яратилган. Демак, матншуносликда салмоқли ютуқларга эгамиз.*

*Бироқ бу ютуқлар билан қаноатланиб бўладими? Матншуносликда ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал этишда қандай илмий-назарий, ташкилий вазифаларни амалга ошириш зарур?..*

*Давра суҳбати иштирокчилари ана шу каби масалалар билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Суҳбатда илгари сурилган таклифлар, танқидий фикрлар, қўйилган конкрет вазифалар ҳақида адабиётшунос, матншунос олимларнинг, мунаққид ва бошқа ижодкорларнинг, мумтоз адабиётимиз мухлисларининг холис фикрларини кутиб қоламиз.*

Ҳайдар ТЎРА

# БОҒИМИЗГА ҚЎНАР ҚУШЛАР ҲАЛИ КЎП



## МАРДЛАР ШАҲРИ

Қанча аср, довонлардан ошиб келдинг,
Гоҳо Жайҳун, Аму бўлиб тошиб келдинг,
Бир ҳикматга ўн ҳикматни қўшиб келдинг,
Мардлар шаҳри, жоним, она Термизим.

Султонларнинг меҳри тушиб ийган макон,
Туман оға ишқда ёниб куйган макон,
Амир Темур юртлар аро суйган макон,
Мардлар шаҳри, жоним, она Термизим.

Буюк ипак йўлларида изларинг бор,
Халқ тилида достон бўлган сўзларинг бор,
Қаҳратон қиш, жазирама ёзларинг бор,
Мардлар шаҳри, жоним, она Термизим.

Имом Термиз ҳадисларин бажо этган,
Ҳаким Термиз ўйларини расо этган,
Улуғлари тимсолида ҳаққа етган,
Мардлар шаҳри, жоним, она Термизим.

Мустақиллик шарафидан кўксинг баланд,
Зафар туғин фарзандларинг тутсин баланд,
Мартабангни Оллоҳ яна этсин баланд,
Мардлар шаҳри, жоним, она Термизим.

## ЎЗГАРМАС-О

Ошиқлар боғ-чаманида булбулдайин,
Жўшқин-жўшқин хонишлари ўзгармас-о.
Васли аро кеча-кундуз ўтган сайин,
Мафтун-мафтун ёнишлари ўзгармас-о.

Кўнгли оқу, меҳри дарё инсонларнинг,
Бир куни минг, бағри дунё инсонларнинг,
Ўзгарса-да осмону ер имконлари,
Бир-бирини танишлари ўзгармас-о.

Ҳақ юракда Оллоҳ битта, Ватан битта,
Давру даврон, замон битта, армон битта,
Охир абад, ою қуёш, жаҳон битта,
Бу дунёнинг ўтишлари ўзгармас-о.

Ҳайдар Тўра, юртлар кезиб юрдинг қанча,
Яхшилигу ёмонликни кўрдинг қанча,
Чорраҳада бошинг қотиб турдинг қанча,
Ҳақнинг амал бўлишлари ўзгармас-о.

## БЎЛДИМ

Кунлар эмас, ойлар эмас, йиллар ўтди,
Униб-ўсиб элу юртга дастёр бўлдим.
Баланд-пастлик, ғабир-будир йўллар ўтди,
Гоҳ сурилиб, гоҳ бурилиб, ҳушёр бўлдим.

Юртлар ошдим узоқ сафар тўнин кийиб,
Юрдим гоҳо рост гаплардан тилим тийиб,
Гоҳ яйрасам, гоҳо ноҳақ кетдим куйиб,
Соғинчимни ичга ютиб бемор бўлдим.

Бу дунёнинг кўчалари бозор экан,
Оға-ини бирлашмаса, тўзор экан,
Ишёқмасдан ҳатто Худо безор экан,
Гоҳ яхшию ёмонларга дучор бўлдим.

Ҳар нарсага чегара бор, яратган бор,
Ҳасад билан ёмон гапни тараттан бор,
Оч қорингга эртак айтиб чарчаттан бор,
Кечалари уйқу келмай бедор бўлдим.

Ҳайдар Тўра, ҳар лаҳзани ғанимат бил,
Мансаб-амал ўтарини ҳақиқат бил,
Ёниб куйган кунларингни дилда ёд қил,
Билиб-билмай кўпларга ёр, ҳамкор бўлдим.

## СИНФДОШ

Қирқ йил аввал айрилишган эдик биз,
Изҳори дил сўзлар билан, синфдош.
Қирқ йил аввал қайрилишган эдик биз,
Қайрилма қош, кўзлар билан, синфдош.

Парталарда ўтирардик тўлишиб,
Гоҳ айириб, кўпайтириб, қўшишиб,
Ал-Хоразмий, Пифагордан тортишиб,
Зукко ўғил-қизлар билан, синфдош.

Ишқ савдоси хаёлимиз банд этиб,
Не кўйларга тушиб, баъзан хат битиб,
Ёзилажак жавоб кутиб, бахт кутиб,
Қолиб кетдик нозлар билан, синфдош.

Йиллар ўтиб кетишини билмабмиз,
Йўллар айро тушишини билмабмиз,
Мактаб ортда қолишини билмабмиз,
Ўйнаб-кулиб созлар билан, синфдош.

Ширин тушдай ёшлигимиз ўтди-я,
Аччиқ, араз, ғашлигимиз ўтди-я,
Гоҳо ҳазил, ростлигимиз ўтди-я
Қишу баҳор, ёзлар билан, синфдош.

Ўтган кунлар эсланажак кун бу кун,
Хотиралар тикланажак кун бу кун,
Диллар яна боғланажак кун бу кун,
Ўз-ўзимиз ўзлар билан, синфдош.

Тилак айтай, тилакларим ёр ўлсин,
Юрак ёзай, юрак рубоб-тор ўлсин,
Бугунги кун эртамизга кор ўлсин,
Савти наво розлар билан, синфдош.

Бобо бўлиб, бўйлар чўзиб юрайлик,
Момо бўлиб, тўйлар кезиб юрайлик,
Доим бирга кўнгил ёзиб юрайлик,
Тўқнаш келиб юзлар билан, синфдош.

Олдимизда эзгу ишлар ҳали кўп,
Боғимизга қўнар қушлар ҳали кўп,
Ҳайдар Тўра йўлга тушар ҳали кўп,
Учрашмоққа сизлар билан, синфдош.

Исмоил МАҲМУД

# ЎЗБЕГИМ ЎЗ БЕКЛИГИН ЎЗБЕКИСТОНДАН ТОПАР



* * *

Ҳар киши бахтини, дўстлар, тоза виждондан топар,
Тоза виждон ичра турган тоза иймондан топар.

Ким фидолик бирла тун-кун эл ишига берди дил,
Эл аро обрўси ортар, тоза имкондан топар.

Ҳар қадам, ҳар лаҳза чиндан гуллагай озод Ватан,
Мустақил юрт мадҳини дил тоза даврондан топар.

Кенг жаҳон саҳнига чиқди ҳур диёрим қудрати,
Истаса кўрмоқни ким кучган шараф-шондан топар.

Таърифи дунёга кеттан бу чаман мангу эрур,
Етти иқлим бўйини, дил, ушбу бўстондан топар.

Бундайин бўстон ягона, бундайин танҳо диёр,
Довруғин қалблар яраттан шонли достондан топар.

Бас, улуғлар ҳикматин, Маҳмуд, ҳамиша ёдда тут,
Ўзбегим ўз беклигин чин Ўзбекистондан топар!

* * *

Мустақиллик руҳи бирла шод бўлди бу кўнгил,
Қайта тикланди ҳақиқат, ёд бўлди бу кўнгил.

Англамоқ бахти мушарраф бўлди ҳар бир кимсага,
Дўстта дўст, душманга чиндан ёт бўлди бу кўнгил.

Қулфи дил очилди такрор, кулди иқбол-бахт насиб,
Номи дунёга таралган, зот бўлди бу кўнгил.

Олам ичра руҳи поклар топди обрў-эътибор,
Тоғ каби юксалди диллар, бўлди обод бу кўнгил.

Ўзлигин ҳис этди Маҳмуд ушбу кун эллар аро,
Марди майдон ичра чун Фарҳод бўлди бу кўнгил.

* * *

Яхши бирла юрса одам ҳеч қачон топмас зиён,
Айлагай аҳдини сафда яхши бирла ёнма-ён.

Кезмагай булбул чаманда қарғани ҳамроз этиб,
Боғ аро минг турфа қуш ким, турфадур оҳу фиғон.

Қаддини рост айлагач ток мева бергайдур ширин,
Ўсмагай ким заҳда қолса, кўрмайин офтобни дон.

Чўққи барпо бўлмағай пойида тоғлар бўлмаса,
Азми дарёлар билан ким бўлди саҳро дурфишон.

Топмагай ҳар ким ҳидоят ҳаққа қалб боғланмаса,
Эгри йўлда бўлса кимки, ҳеч қачон топмас нишон.

Ота-она, яхши ёр, дўст тутса ким устод йўлин,
Икки олам ажрини топқай саодат ичра жон.

Ҳаққа шукру ҳам қаноат ичра Маҳмуд шеър битар,
Яхшилар бирла юрибким доимо ошгай довон.

* * *

Ҳар дарахт асли яшил ўз боғида турса азиз,
Барқ уриб яшнаб очилган чоғида турса азиз.

Азми Ҳақ бирлан уруғким кўз очиб тақдирида,
Чўлми ё дарё-ю кўл қирғоғида турса азиз.

Хасми ёким бир қуруқ новда кўкаргай ишқ ила,
Қирми ё ўсган макони тоғида турса азиз.

Лавҳул маҳфузда битилган қисмати ҳар нечаким,
Бош эгиб тақдирга чин туфроғида турса азиз.

Қадди доллар икки дунё корига собит мудом,
Ҳикмати бирла кўнгли ардоғида турса азиз.

Ҳар гиёҳ айтур саловат Ҳаққа руҳу шаклидин,
Васлига муштоқ туну кун доғида турса азиз.

Англа, Маҳмуд, сен Ватан қадрин гулу гулзорида,
Кўз очиб кўрган улуғ чорбоғида турса азиз.

* * *

Берар дилга ғизойи руҳ муаззам ошно суҳбат,
Биродарлар билан кечган мукаррам мўмиё суҳбат.

Камол топгай вужуду дил яқинлар бирла бу оқшом,
Вафо меҳру ҳидоятин бўлиб малҳам бажо суҳбат.

Ажиб бир файз фароғат бахш этар диллар аро бу кез,
Юракни юмшатиб, кўзни этиб пурнам расо суҳбат.

Мақоми шавқ аро нури қилиб жилва кўнгилларда,
Вужудга бахш этиб қувват берар файзу сафо суҳбат.

Вафо аҳли билан ўтган даврон ҳам саодатдур,
Ўзига риштадур, иллоҳ, ки фазли жам наво суҳбат.

Биҳишт, ичра, ки эй Маҳмуд, давом
этсин бу ҳикматлар,
Жамолидин насиб айлаб, бериб
ҳар дам жило суҳбат.

Мангу лаҳза



Атоқли адиб ОЙБЕК ижод оғушида.
Суратқаш С.МАҲКАМОВ бисотидан.

Журналларни варақлаганда

## "ЖАҲОН АДАБИЁТИ" 2010 йил, май

Журналнинг янги сони илк саҳифаларида XX аср Ғарб насрининг йирик намояндалари — олмон адиби Ҳерманн Ҳессе ва рус ёзувчиси Иван Буниннинг ҳикоялари берилган. Ҳикояларни олмон тилидан Мирзаали Акбаров ва рус тилидан Дилдора Алиева таржима қилишган. Шунингдек, Назира Жўраева таржимасида берилган эстон ёзувчилари Энри Крустен ва Рудолф Сиргенинг бир жуфт ҳикоясини ҳам шу сонда ўқийсиз. Торонто Уайлдернинг "Авлиё қирол Людовик кўприги" қиссасининг охири (рус тилидан Меҳри Бону таржимаси) ва Расул Ҳамзатовнинг "Менинг Доғистоним" бадиаси (русчадан Асрор Мўмин таржимаси) иккинчи китобидан айрим боблар, машҳур





олмон файласуфи Фридрих Ницшенинг "Мактублари" (Абдуҳамид Пардаев таржимаси) журнал мундарижасини бойитган. "Шеърият минтақалари"да XX аср рус ва эрон поэзиясининг ёрқин намояндалари Белла Ахмадулина ҳамда Қайсар Аминпурнинг ижодларидан сараланган туркум шеърлардан баҳраманд бўласиз. Б.Ахмадулина шеърларини Мирпўлат Мирзо, Қ.Аминпур ижоди намуналарини Жаъфар Муҳаммад таржима қилган.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида "Таржима мактаби" рукни остида Ортиқбой Абдуллаевнинг атоқли шоир Миртемирнинг ижоди ва таржимонлик фаолияти ҳақида қайдлари ҳамда устоз адибнинг жаҳон шеърияти дарғалари ижодида қилган таржималаридан айрим намуналар, Баҳодир Каримнинг "Робинзон Крузо"нинг илк таржимаси" мақоласи ва ушбу таржимадан бир парча эълон қилинган. Муҳаммад Алининг "Олтин ёруғ" шуъласи", Тозагул Матёқубованинг "Бедил ва Ғафур Ғулом", Доно Зиёева ҳамда Сафо Матчоновнинг адабий мерос, анъаналар ва янги нашрларга доир мақолалари ҳам журналнинг ушбу сонидан жой олган.

А.Кристининг "Лорд Эжуорнинг ўлими" романининг охирини ҳам ушбу сонда ўқийсиз.

Саида МАНСУРОВА

Ҳикоя





Рассом алам билан мўйқаламларини синдириб ташлади. Суратларни йиртиб-йиртиб деразадан улоқтирди. Телбаларча кўчага чиқди-ю, қаёққадир кета бошлади. У ўзидан ўзи норози бўлар, суратни сотган кунига лаънат ўқирди... Балки муҳтож бўлмаганида уни сотмасмиди. Нега энди ўша қизни қайтадан чизолмаяпти?

Нега?!

Беихтиёр суратни чизиб тугатган ўша дамларни эслади. У ўшанда энг бахтли рассом эди...

Бу асарни хаёлида узоқ асради ва такрор-такрор сайқал берди. Хайрият тугатди, эсини танигандан буён орзу қилган нарсаси рўёбга чиқди. Мана, унинг орзуси, хаёлий муҳаббати. Рассом мўйқаламларини йиғиштириб, ўзи чизган суратга узоқ тикилди. Унинг бутун чеккан машаққатлари бир зумда унутилиб, кўзларидаги ҳорғинлик ўрнини қувончли сарҳушлик эгаллади. "Бу суратни ҳеч кимга сотмайман, суратга жонимдан узиб жон бердим, у ҳамиша тирик. Қараган одамнинг хаёлини ўғирлаб, ўзига мафтун қилади. Унда сирли жозиба яширин", дея ич-ичидан фахрланди. Худди биров опкетиб қолмасин, дегандай суратни деворга илиб қўйди. Кўнгли хотиржам бўлгач, ўриндиққа чўзилди ва суратга тикилиб ётиб ухлаб қолди. Уйғонганида кун ёйилиб кетган, вужуди қушдай енгил эди. Елкасидан босиб турган оғир юк бугун уни тарк этди. Қорни очганини сезди. Ётоқхонасига ҳам ўтмасдан устахонасида ухлабди. Ўзи чизган суратга кўз ташлади. Суратдаги қиз «яхши дам олдингизми", дегандай ёқимли жилмайиб турарди. Суратнинг тили йўқ, лекин кўзлари гапирар, нималарнидир ваъда қиларди. Бу ваъдага ишониш мумкин. Ҳатто рассомнинг ўзи ҳам алданиб, нонушта учун икки кишилик жой тузатди. Ана, қиз чорчўпдан чиқишга тараддудланаяпти. Кўзлари сирли боқиб жилмаяди. Ҳозир стол ёнига келади, кутиб турса бас.

Рассом кун бўйи сархуш юрди. Устахонадан кетгиси келмади, чироқни ўчириб кўзларини юмди. Аллақандай шарпа сочларини ўйнади, юзларини сийпалаб киприкларига қўнди. Қўлларини чўзиб шарпани ушламоқчи бўлди, аммо у хона бўйлаб елиб кетди. Хонанинг тўрт бурчидан кулгу овози эшитилди. Овоз шунчалик майинки, кетидан эргашмасдан иложи йўқ. Рассом шарпани тутиб ололмади ва чироқни ёқди. Ажаб, суратдаги қизнинг чеҳраси бошқача тус олган, кўз қарашлари ўзгарган. Лабларини қандайдир куч ҳаракатга келтирмоқчи бўлар, елкаларидан нафас олаётгани сезиларди. Рассом ҳаяжонланиб суратга тикилди. У шунчаки жонсиз сурат эмаслигига юрак-юракдан ишонди.

Кунлар, ойлар шу тарзда ўтди. Рассомнинг бисотидаги нарсалар тугади. Ҳеч қачон унинг устахонаси бу қадар бўш қолмаганди, бугунга келиб битта шу сурат билан сўппайиб қолди. Харидорлар ҳалиям эшик қоқяпти, аммо жилмайиб турган қиз сурати ҳеч кимнинг измига ўтмаяпти. Устахонага қанча харидор келган бўлса ҳаммаси шу суратга эга бўлишни хоҳлайди, энг юқори нархлар таклиф қилади. Бироқ рассом рози бўлмайди. Узоқ вақтли танаффусдан сўнг қўлига мўйқаламини олди. Баҳор фасли бўлгани учун гўзал манзараларни чизиш ниятида далага чиқди. Майин шамолда тебраниб турган қизғалдоқларга қарар экан, ҳайратга тушди. Устахона деворида қолган қиз сурати дамба-дам кўз олдига кела бошлади. Кейин эса қизнинг ўзи пайдо бўлиб, бор бўйи билан унинг қаршисида туриб олди. Унинг ҳарир кўйлаги этагини шабада тортқилар, сочлари шамолда тўзғиб, юз-кўзларини яширишга уринарди. Қизнинг жарангдор кулгуси борлиқ табиатни уйғотиб юборди гўё... Ўт-ўланлар бош эгиб қадамларига поёндоз бўлди. Рассом қувонч билан қиз томон юрди. Аммо қиз тутқич бермай, йигитни айланар, баъзан яқинлашар, баъзан узоқлашарди. Охири йигитнинг мадори қуриб йиқилди. Ва қиз ғойиб бўлди.

Рассомнинг кайфияти бузилиб уйига қайтди. Куни беҳуда ўтганидан асаблари таранглашди. Тонг маҳал анҳор бўйига чиқди. Ҳайқириб оқаётган анхор бўйида сувнинг эпкинидан чайқалиб турган мажнунтол рассомнинг эътиборини тортди. Шижоат билан ишга киришди. Энди анҳор бўйидаги мажнунтол тасвирига зеб бериш кҫрак. Рассом анҳорга тикилган эди, мажнунтол шохлари силкиниб суратдаги қиз пайдо бўлди. Қиз эгилган новдаларни ушлаб секин сувга тушди. Ҳўл кўйлаги нозик баданига ёпишди. Сийналари аниқ билинди, қиз уялганидан уларни сочлари билан бекитди. Рассомнинг боши айланиб қиз томонга талпинди ва сувга шўнғиди. Бориб мажнунтолнинг шохларини ушлади, қиз эса йўқ эди. Ночор кийим-бошидан сув томганча қирғоққа чиқди. Уйига қайтар экан қиз суратини девордан олиб, шкафнинг орқасига бекитиб қўйди.

Ошхонадан ейишга арзигулик нарса тополмади, сўнгги чақасигача тугаганди. Суратмас, бошимга бало яратган эканман, дея очликдан силласи қуриб ухлаб қолди.

Бахтига эрталаб сурат чиздиришга бир одам келди. У мижозни ўзи хоҳлагандай ўриндиққа ўтқазиб, суратини оқ матога тушира бошлади. Тасвир яримлаганда ҳалиги одам ғойиб бўлди. Ўриндиқда қиз ўтирарди. Ахир, қай бирини чизсин? Рассом бошини қуйи солиб кўзларини юмди. Қулоқларига узоқлардан "мазангиз қочдими" деган овоз эшитилди. Кўзларини очди, ўриндиқда ўша одам ўтирибди, овоз ҳам ўша одамники. Қўллари нимадандир чўчиб, тез-тез ҳаракат қиларди. Сурат тугамасдан қўрққан нарсаси содир бўлди. Эркак киши суратдаги қизга айланган, сочлари учини ўйнаб ўтирарди. Қизнинг қилиқлари уни расм чизишдан бездириб қўйди. Бошқа ишлаёлмаслигини сезди ва узр сўраб, бошқа кун келишини илтимос қилди. Мижоз суратини чиздиришга яна келди. Бу гал рассом анча осойишта ишлади. Бироқ, расм тугаётганида қиз орага суқилди-ю, иш барбод бўлди. Қўллари ўз-ўзидан ҳаракатдан тўхтади. Бир ёқдан очлик азоби уни тобора кучдан қолдирарди. Ҳалиги киши «майли чарчабсиз, дам олинг», дея ўрнидан турди. Сурат тайёр бўлаётганини кўрди-да, олдиндан пулини тўлаб кетди. Рассом қўлига пул тушган заҳоти бозордан егулик нарсалар, рангли бўёқлар, умуман анчагина нарса харид қилди. Кўпдан буён яхши овқат емаганди. Тўйиб овқатланди. Шкаф ортидан қиз суратини олиб, аввалги жойига илиб қўйди. Қиз кўзига янада жозибалироқ кўринди. Кечқурун ҳалиги одамнинг суратини ишлаётганда ҳам қиз кўз олдида жилмайиб тураверди. Қанча ҳаракат қилмасин қиздан хаёлини узолмади. Рассом ўзига келгач кўрдики, эркак кишининг бошига қизнинг узун сочларини чизиб қўйибди. Шошганидан суратни қаёққа яширишни билмай қолди. Суратни бу аҳволда кўрган ҳалиги киши ўзини ҳақоратлагандай ҳис қилди. Рассомнинг ёқасидан олиб қаттиқ ҳақоратлади, «Узр эртага келинг, пулингизни қайтариб бераман», деб ваъда бергач, зўрға қутилди.



Ваъда беришга берди-ю, уйидан сотадиган тузукроқ нарса чиқмади. Кўп ўйлади, кечаси кўзига уйқу келмади. Дафъатан қиз суратидан воз кечиш фикри пайдо бўлди. Қиз ундан эътибор талаб қиляпти. Лекин кеча-кундуз унга тикилиб ўтиролмайди-ку. Бу суратни албатта сотади, насиб бўлса бундан яхширoғини чизар.

Харидор ўз оёғи билан кириб келди. Рассом аниқ кўрди, суратни ўраётганда қизнинг юзидаги жилмайиш йўқолди, кўзлари ғамгин боқди. Ҳа, янглишмади, худди шундай кўринди.

У кишининг қарзидан қутилди. Рассом энди бирор-бир жиддийроқ асар яратиш мақсадида хаёлот оламидан тасвир олишга уринди.

Кечга бориб оқ қоғозда ажойиб манзара пайдо бўлди: ғира-шира қоронғуликда фаришталарга ўхшаш қаноти бор одамлар учиб юрибди. Кимдир ойга, кимдир юлдузларга талпинади. Тасвир чеккасидаги норғул одамга найза санчилган, ундан сизаётган қон самонинг бир четини қизартириб турибди.

Рассом бу картинани «Абадий кураш» деб атади. Қилган ишидан қониққанлиги учун бамайлихотир ўрнига чўзилди. Эрталаб кўз ўнгидан ғамгин боқиб турган қиз сурати ўтди. Юзлари сўлғин, алланималар дея пичирлаб қўлларини чўзди. «Илтимос мени тинч қўй» деб рассом кўзларини юмди. Ўзини озроқ босиб олгач яна ишга уннади. Қоғозда мавж ураётган тўлқинлар жонланди. Улар шарққа учаётган қушларнинг ортидан эргашаётгандай туюларди. Мовий денгиз қирғоғига бўйсунмай қушлар билан кетяпти. Ўзи яратган манзарадан завқланди. Шу пайт тепасидан икки томчи иссиқ кўзёш томиб, тўлқинларга аралашиб кетди. Рассом сиқилиб, юрагида илк маротаба санчиқ сезди. Бора-бора хаста кишидай тўшакка михланди. Суратдаги қизни кўришни истарди. Лекин қиз ўз жамолини ундан олиб қочарди. Рассом қизнинг жилмайиб туришини, сузилган кўзларининг сирли имлашини қўмсарди. Бироқ, у йўқ. Нега йўқ? Ахир, уни қайтадан чизса бўлади-ку. Жойидан турди, қўлларига мўйқалам олди. Ҳар қанча уринмасин, ўшандай жозибали қиз қайта дунёга келмади. Оддийгина қизни чизди, қизнинг боқишлари ҳам, ишвалари ҳам сохта эди...

Рассом ихтиёрсиз суратда йўлда кетиб бораркан, бир бегона эшик олдида тўхтади. Қўнғироқ тугмасини босди. Эшикни очган киши уни таниди-ю, юзида табассум билан ичкарига таклиф қилди. Рассом унга эргашиб меҳмонхонага кираркан, даставвал девордаги ўз асарига — ўзи яратиб, ўзи асирига айланган соҳира қиз суратига кўзи тушди. Ва хона соҳибини ҳайратга солганча тўғри суратнинг олдига борди-да, унинг қаршисида беҳолгина тиз чўкди.

Барно РУСТАМОВА

# Яқин ўтмиш сабоқлари

Тасвир ва талқин

Бугун кино дунё миқёсида энг оммавий санъат тури сифатида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Ҳар бир филм, у қайси миллат ва мамлакатга тегишли эканидан қатъи назар, ўзида маълум бир халқнинг дунёқараши, маданияти, маънавияти, турмуш тарзи, одоб-ахлоқ меъёрларини мужассам этади. Кино санъатининг сеҳри-жозибаси шундан. Албатта, техника асри ютуқлари, глобаллашув жараёни бошқа соҳалар қатори кинога ҳам ўз таъсирини ўтказиб, аксарият филмларда ақл ва қалб уйғунлиги ўрнини эҳтирос ва ҳою ҳаваслар эгаллаб қолаётгани сир эмас. Шундай бир шароитда она юрт тарихи, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган, ватанпарварлик руҳидаги асарлар билан томошабин эътиборини торта олиш ҳамда миллий кино ривожида ўз ўрнини топа билиш осон эмас.

Шу нуқтаи назардан “Ўзбекфилм” киностудиясида яратилган “Воиз”, “Ёлғиз ёдгорим”, “Ватан”, “Ўтов” филмларига яна бир бора мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кинорежиссёрлар Ю. Розиқов (“Воиз”), С. Назармуҳамедов (“Ёлғиз ёдгорим”), З. Мусоқов (“Ватан”) ва А. Шаҳобиддинов (“Ўтов”) асарларида жамиятнинг табиий-тадрижий ривожини издан чиқариб юборган ўктабр инқилоби ва шўролар сиёсатининг озод инсон руҳиятига кескин таъсир этган салбий оқибатлари ёритилади.

“Воиз” филмида XX аср бошларидаги суронли йилларда “халқпарвар инқилобчи” йўлига кириб қолган бўлса-да, эътиқоди туфайли ҳар қандай сиёсий таъсирлардан омон қолган Искандар (актёр Б.Одилов), “Ёлғиз ёдгорим” филмида эса юртига қайтиш умидида ўз маслагида собит қола билган инсон — Адаш бува (актёр Т.Норматов) образи очиб берилади. Филмларни қиёсий таҳлил этишдаги турли тафовутларга қарамай, ҳикоя этилаётган ҳодисага ёндашувда икки режиссёрнинг ғояси бир-бирига ўхшайди. Яъни, шахсий манфаатлар ортидан моддий бойлик, обрў ёки амал қувмаган икки филм қаҳрамони тақдир зарбаларини енгишда сусткашлик кўрсатсалар-да, ўзларида асл инсонларга хос бурч ва садоқат каби фазилатларни мужассам этган қаҳрамон даражасига кўтариладилар.



Ёзувчи Хайриддин Султоннинг “Ёзнинг ёлғиз ёдгори” қиссаси асосида суратга олинган “Ёлғиз ёдгорим” филми бош образ Адаш буванинг хотираларидан иборат сюжетлар асосига қурилган. Ушоқ сюжетлардан иборат пишиқ ва пухта хотиралар тақдир зарбалари таъсирида иродаси букилмай, руҳияти юксалиб борган бош қаҳрамоннинг характерини ёритишга хизмат қилади. Сохта сиёсат асосига қурилган инқилобий талотўплар домига тушган одамдан кўра поклик, маънавият, гўзаллик каби хислатларни ўзида мужассам этган олий мақсадли инсонгина ҳаёт ҳақиқатини тўғри англаб етиши мумкин. Филм бош ғояси мана шу фикрни илгари суради.

Агар “Воиз” ва “Ўтов” филмларида собиқ шўро ҳокимиятининг сиёсатига нисбатан муаллифнинг истеҳзоли табассуми акс этса, “Ёлғиз ёдгорим” ва “Ватан” филми муаллифлари ўзбек халқининг азалий қадриятлари – кечиримли бўлиш, душмандан қасос олмаслик, борига қаноат қилиш ва ҳукмни ягона яратганнинг ўзига топшириш анъаналарининг экран муқобилини филм фабуласига сингдириб юборадилар.

“Ёлғиз ёдгорим”да узоқ муддат Сибирга сургун қилинган Адаш Ватанига қайтганида бундан йигирма беш йил муқаддам уни қамоқдан чиқаришга астойдил ҳаракат қилган дўсти - инқилобчи қизил аскар билан тасодифан учрашиб қолади. Икки хил маслакда умр кечирган дўстлардан бири - собиқ қизил аскар фаррошлик билан кун кечирмоқда, аламзада қиёфасида бахтдан асар ҳам йўқ, “халқ душмани” бўлиб, муддатни ўтаб келган Адаш эса нигоҳлари сокин, қалби пок, виждон амрига содиқ инсон. Филм ижодкорлари ўтган даврни, инқилоб ва унинг асоратларини нозик кинематографик нигоҳ билан тадқиқ этадилар.

Мустақиллик хорижда яшаётган ватандошларимизга ўз юртларига келиш, она юрт ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш, ватан тупроғига бош қўйиб сажда қилиш имконини берди. Кимнидир соғинч, кимнидир оталар васиятини адо этиш бурчи она юртга чақирган бўлса, “Ватан” филми қаҳрамонини ўз ватандошига нисбатан қаҳр етаклаб келади. Мусофирчиликда умр кечириш, Сибирдаги машаққатли ҳаёт, севгилисининг аянчли ўлими ва бутун орзу-умидлари саробга айланишига сабабчи бўлган инсонни топиш, қачонлардан бери тинчлик бермаётган ўч олиш ҳиссини қондириш мақсади билан она юртга келган Қурбон образи филм ғояси тўлақонли очилишига хизмат қилади. У бетоблигига ва фарзандларининг қаршилигига қарамай Ўзбекистонга келиб, бошига кўп ташвишлар келтирган ўша ҳамқишлоғини топади, гаплашади, лекин сўнгги ҳукмни яратганнинг ихтиёрига топшириб ортига қайтади.

Собир Назармуҳамедов ҳам, Зулфиқор Мусоқов ҳам бош қаҳрамон фожиасида жамиятда ижтимоий ўзгаришлардан кўра яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш муҳим ўрин тутишини исботлай олдилар. Албатта, миллий дунёқарашнинг экран муқобилини топишга ҳаракат қилган икки режиссёрнинг филми қиёсий таҳлил этилса, “Ватан”да айрим саволлар очиқ қолади. Жумладан, наҳотки Қурбон (актёр М. Убайдуллаев) Ватанига фақат душманини ўлдириш учун келган бўлса? Нега унинг чеҳрасида, нигоҳларида юрт соғинчи, меҳр кўринмайди? Сценарий муаллифи ва режиссёр З.Мусоқов қурган сюжет йўналишида саволлар жавоби томошабин ихтиёрига қолдирилади. Шу билан бирга, муаллифнинг ўз қаҳрамони ҳаракатларига муносабати ҳам намоён бўлади.

Оригинал драматургияси, ўзига хос талқин йўлига қарамай, Қурбоннинг ёшлигини талқин этган актёр (М. Саъдуллаев) фақат ташқи кўриниши жиҳатидан филмга таклиф этилгани, Раъно Шодиева қаршисида ҳаваскорлигича қолган бош қаҳрамон филмнинг асосий юкини тортиш маҳоратига эга эмаслиги “Ватан” филмининг бадиий қимматини тушириб юборганини қайд этиш ўринли.

Агар “Воиз”да шўро инқилоби миллий, диний қадриятларга, азалий анъаналарга таҳдид солувчи ва инсоннинг тинчлигини бесабаб бузувчи фавқулодда куч экани ретро йўли билан ёритилган бўлса, “Ёлғиз ёдгорим”да жамиятдаги ўзгаришлар табиий экани ва инсон бундай фавқулодда ўзгаришлар олдида фақатгина ўзгармас ва аниқ эътиқод туфайли омон қолиши мумкинлиги айтилади.

Ўз даврини яшаб бўлган сиёсатнинг инсон тақдирига кўрсатган салбий оқибатлари “Ўтов” филмида ўзгача талқинда ёритилди. Ё. Тўйчиев сценарийси асосида яратилган бу филм шўро ҳукуматининг инсон тақдирида қолдирган аянчли излари ҳақида ҳикоя қилади. Одамови, тоғда ёлғиз фарзанди билан сўққабош кун кечирувчи Убайдуллоҳ умр бўйи шўроларга нисбатан қаҳр-ғазаб билан яшайди ва бунга ўзини ҳақли, деб билади ҳам. Режиссёр Аюб Шаҳобиддинов қатъиятли, жамиятда устун турган ижтимоий фикр билан қизиқмаган ва жамоадан айро яшашни хуш кўрган инсоннинг дунёқараши ташқи кўринмас кучлар таъсирида ўз-ўзидан ўзгариб боришини панд-насиҳатдан йироқ нафис кинематографик бўёқлар ёрдамида ёритади. Ўғлини куч ва қаҳр билан ўз измига бўйсундириб яшаган чўпон вақти келиб фарзанди ўзидек чўрткесар, қатъиятли бўлиб вояга етиши, бу эса унга нисбатан акс таъсир этишини кутмаган эди. Табиат ва жамиятнинг инсон эркини тушовлайдиган қонунлари табиий ҳол ва бунда кимнидир ёки ниманидир айбдор қилиш нотўғри, дея хулоса чиқарадилар филм ижодкорлари.



Таъкидлаш жоизки, яқин ўтмиш сабоқлари намоён бўлган тўрттала филмда ҳам кинорежиссёрлар мунозарали сиёсий масалаларга жавоб топиш йўлидан бормайдилар. Назаримда, “Маълум бир макон ва замонда яшаётган инсоннинг ҳаёт йўлидаги машаққатларни енгишида муҳим восита нима?” деган саволга ҳар бир филмда маънавий баркамоллик ва бағрикенглик, деган жавоб бор. Лекин шўро инқилобининг осуда ҳаётга раҳна солганини юқорида номлари зикр этилган филмлар мисолида яна бир бор англаш мумкин.

Албатта, мазкур филмларнинг драматургик қурилиши, ижро техникаси, оператор маҳорати, монтаж, мусиқий ечими ҳақида алоҳида мулоҳаза юритиш мумкин. Зеро, кино жараёнлари жадал суръатда кенгайиб бораётган бугунги кунда киношунослик нуқтаи назаридан ўрганилишга муҳтож асарлар навбат кутиб турибди.

**Шоҳида ЭШОНБОБОЕВА**



Муносабат

# Концерт кўнгилдагидек ўтса...

Кейинги вақтларда катта концерт залларида ўтказиб келинаётган концерт дастурлари “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси шартнома, контракт тузишга кўмаклашувчи юрист ва менежерлар ҳамда репертуар ва назорат бошқармалари томонидан мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб келинмоқда. Май ойида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев, истеъдодли хонандалар Лола Аҳмедова, Алишер Файз ва Шуҳрат Йўлдошевнинг яккахон концерт дастурлари бўлиб ўтди.

Ғиёс Бойтоев қўшиқчилик санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган хонандалардан. Унинг санъатда ўзига хос ўрни, бетакрор овози, ижро услуби бор. Айниқса, саҳна одоби, маданияти, ўз касбига садоқати ва фидойилиги билан ажралиб туради.

Дастурни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўткир Сиддиқов олиб борди. Ў.Сиддиқов маҳоратли бадиий сўз устаси бўлиб, ҳар бир сўзнинг маъносига эътибор қаратиши, айтаётган сўзининг мағзини мухлисларга етказиб бериши эътиборга лойиқ. Бошловчиликка айнан унинг таклиф этилиши Ғиёс Бойтоевнинг ҳам бадиий сўз аҳамиятини тушунишидан дарак беради. Кейинги пайтларда кўпгина хонандалар концерт дастурларига бадиий сўз устасини эмас, қизиқчиларни ёхуд радиобошловчиларни таклиф этишаяпти. Ҳар ҳолда “Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин”, деган нақлни ёдда тутиш зиён қилмайди.

Кўпгина хонандалар яккахон концерт дастурларида битта ёки иккита қўшиқни жонли ижрода куйлайдилар. Қолган қўшиқ деярли фонограммада тақдим этилади. Ғиёс Бойтоев концертида эса йигирмадан зиёд қўшиқларнинг барчаси хонанда ва созандалар томонидан жонли ижрода янгради. Бу эса сунъий ижродан, фонограммадан чарчаган томошабин учун ажиб туҳфа бўлди. Концерт режиссураси ва концепцияси пухта ишланган. Хонанда мухлисларни жонли ижроси билан дастур охиригача ушлаб турди. Унинг қўшиқлари руҳига кира олиши мухлислар ҳис-туйғуларига таъсирини ўтказмай қолмади.

“Ниҳол” мукофоти совриндори Лола Аҳмедова ёшлар орасида анча танилиб қолган истеъдодли хонандалардан. Унинг “Бизникидир дунёлар” деб номланган концерт дастури қўшиқ шинавандаларига манзур бўлди. Хонанда ижросидаги “Полвоним ўзингиз”, “Ўзбекона” қўшиқларида миллий оҳанглар устунлик қилади. Айниқса, “Адолат тановари” янграганда мухлисларнинг дили яйраб кетди. Кумуш Раззоқованинг “Сиз ёққансиз менга ҳамиша” қўшиғини ҳам ўзгача талқинда ижро этди. Албатта, хонанданинг бундай қўшиқларга мурожаат этиши, аввало, устоз санъаткорларга ҳурматининг ифодаси бўлса, қолаверса, мухлисларни бу каби дурдона қўшиқлардан баҳраманд этиб, кўнгилларига ёруғлик улашди. Афсуски, “Қалпоқ” гуруҳи ижодкорлари томонидан ижро этилган бироз бачкана ва тутуриқсиз ҳангомалар дастур савиясига соя ташлади. Ўйлаймизки, кейинги концерт дастурларида бу каби камчиликлар эътиборга олиниб, “Қалпоқ” гуруҳи ижодкорлари ижро репертуарлари устида изланадилар.

Хонанда Алишер Файз саҳнага ярашиб чиқиб келди. Унинг репертуаридан шўх, ўйноқи қўшиқлар билан бирга маҳзун қўшиқлар ҳам ўрин олган бўлиб, улар кўпчиликка манзур бўлди. Бошловчи Нурмуҳаммад Исроиловнинг нутқи, саҳна маданияти, бадиий сўз ифодасига жиддий аҳамият бериши қувонарли.

Концерт режиссёри саҳна декорациясига алоҳида эътибор қаратган. Хонанда келгуси ижодида матн танлашга янада жиддий аҳамият берса, таниқли шоирлар билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйса ёмон бўлмасди.

Шуҳрат Йўлдошевнинг “Ватан учун яшайлик дўстлар” концерт дастури пойтахтимизнинг “Туркистон” саройида ўтди. Дастур Ботир Зокировнинг “Газли шўхликлари” ҳамда “Хаёлимда бўлдинг” қўшиқлари ижроси билан бошланди. Ўзбекистон санъат арбоби Алишер Икромов бошчилигида эстрада симфоник оркестри қўшиқларга жўр бўлди. Умуман дастур сокин, бир маромда, дабдабасиз ўтди. Энг муҳими, хонанда барча қўшиқларни жонли ижрода куйлади.

Кези келганда томошабин масаласига ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Халқимиз санъатсевар халқ. Ўзи суйган санъаткорини эъзозлайди, ҳурмат қилади. Бироқ концерт бошланиб бўлгач ҳам томошабинларнинг ўз ўринларига жойлашолмай, у ердан бу ерга юриш ҳолатлари ҳалиҳануз учраб турибди. Ҳар бир мухлис концерт томоша қилиб, маданий ҳордиқ чиқаришга келаётганини билади. Шундай экан, сал барвақтроқ ҳаракат қилсалар, энг аввало, ўзларига, қолаверса, санъаткорга бўлган ҳурматларини ифодалаган бўлишарди. Мухлислар негадир сўнгги қўшиққа гал келганда, бирин-сирин жойларидан қўзғала бошлайдилар. Бу хонандага ҳурматсизлик бўлибгина қолмай, томошабиннинг маданиятсизлигидан ҳам дарак беради.

Санъаткор халқни, саҳнани, томошабинларни ҳурмат қилиши, ўз ўрнида томошабин ҳам санъаткорнинг меҳнатини қадрлай билиши керак. Ўзини ҳурмат қилган инсон ўзгаларни ҳам ҳурмат қилади, деган ҳикматли сўз бежиз айтилмаган.

**Матлуба МАҲҚАМОВА,**
**“Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси бошқарма бошлиғи**

# Муҳаббат қиссаси

## Янги спектаклдан сўнгги ўйлар

Ҳар сафар пойтахтимиздаги рус академик драма театри спектаклларидан руҳий ва маънавий озуқа оламан. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Рус драма театрининг бадиий раҳбари ва режиссёри Владимир Шапиро саҳналаштирган “Венецияда тун” спектаклини кўриб, театр санъати катта маънавий кучга эга эканига яна бир бор иқрор бўлдим.

— Театрнинг асосий мақсади шундаки, — дейди В Шапиро, — у ҳар сафар жаҳонда кечаётган мураккаб ижтимоий жараёнларга, атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатимизни шакллантириб, бизни мунозарага чорлаб, гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатиб, бир-биримизни асраб-авайлашга чақиради.

Хўш, “Венецияда тун” спектакли нима тўғрисида? Италян драматурглари Итало Тердзоли ва Энрико Вайме биргаликда ижод қилган бу асарда кучли конфликт, қарама-қаршиликлар йўқ. Лекин спектаклдан гўё офтоб нурлари сочилиб турибди. Мана шу нурлар бизга катта ишонч бериб, оила аъзоларимизга, дўсту биродарларимизга, умуман, яқинларимизга озор бермасликка, ўтган кунимизни қадрлашга, бир-биримизга меҳр улашишга чақиради. Аслида асар муаллифлари ҳам пиесани шу мақсадда ёзган.



Спектакл мавзуси жудда оддий. Маиший мавзуда яратилган бу асарда бор-йўғи учта қаҳрамон иштирок этади. Асарнинг биринчи қаҳрамони — Марио. У кичкинагина жамғарма банкининг ходими. Марио қайлиғи Анжела билан ажралиш арафасида, дўстларининг қистови ва маслаҳатига асосан Венецияга бориб дам олишга тайёрланмоқда. Лекин Марионинг дўстлари унга сездирмасдан қайлиғига бўлган ҳис-туйғуларини ва қалб учқунларини қайтадан уйғотиш мақсадида уч кунга ёш ва гўзал Барбара исмли аёлни ёллайдилар. Барбара эса ўз ўрнида, уч кун давомида ўз хатти-ҳаракатлари, муомала-муносабатлари орқали Марионинг сўлиб қолган руҳий оламига жон киритгандек бўлади. Асарнинг иккинчи қисмида эса Марио ўз уйига қайтиб, ажрашмоқчи бўлган қайлиғи Анжелага уч кунга Венецияга боришни таклиф этади. Улар саёҳат чоғида бир-бирларига гулчамбарлар тақдим этиб, муҳаббат изҳор қиладилар.

Лирик комедия жанрида яратилган бу асарни актёрлар мириқиб ўйнайдилар. Нимагаки, унда рўй бераётган воқеа-ҳодиса оиламизда, турмуш шароитимизда учраб турадиган реал муносабатларнинг акси. Асар муаллифлари бу реал ҳолатларни бизнинг ички табиатимиз, айрим ҳолларда кўзга ташланмас ҳаётий қарама-қаршилик ва тўқнашувлар билан боғлайдилар.

Асар муваффақиятига ўзбек санъаткорлари, Миллий театр актёрлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гавҳар ва Жамшид Зокиров ҳамда рус драма театри актрисаси Анастасия Пенькова катта ҳисса қўшган. Кўп ҳолларда режиссёр айнан Зокировлар маҳоратига таянади ва умуман бу асарни шу икки ўзбек актёрига мўлжаллаб олгани аён бўлади. Яна шуни айтиш керакки, режиссёр саҳнада актёрлар билан мутлоқ ишонч асносида фаолият кўрсатади. У актёрларнинг бор маҳорати билан чегараланиб қолмай, уларнинг очилмай қолган янги истеъдод қирраларини излаб топиб, асар қаҳрамонларининг ички оламини янада ёрқинроқ ва самимийроқ очишга ҳаракат қилади.

Жамшид Зокиров талқинида Марио аслида беозор оила бошлиғи. У ўз ишига ва касбига содиқ, фидойи инсон. Аммо қайлиғи Анжелага бўлган муҳаббатини дил гавҳари сифатида сақлай олмади. Марио–Ж.Зокиров ва Барбара (актриса А.Пенькова) муносабатининг биринчи саҳнасидаёқ тўхтовсиз иш жараёни ва кундалик турмуш муаммолари Марио қалбидаги муҳаббат учқунларини сўндирган. Барбара–А.Пенькова ўз хатти-ҳаракатларини шундай тузадики, у инсонда сўлиб ва хиралашиб қолган қалб гавҳарини шошмасдан, аста-секин чархлаб боради. Натижада, Марио-Зокировнинг қалби борган сари пахтадек юмшаб, гўзаллик ва нафосат томон интила бошлайди. Шу тариқа Ж.Зокиров-Марио қафасдан отилиб чиққан озод қушга айланади, қайтадан дунёга келгандек бўлади. Икки қаҳрамон муносабатлари ва ўйинлари саҳнама-саҳна ойдинлашиб, шоирона ва нафис тус олиб боришида режиссёрнинг хизмати катта.

Асарнинг иккинчи қисмида Марио-Ж.Зокиров ва унинг қайлиғи Анжела-Гавҳар Зокирова икки актёр театрининг ҳақиқий тантанасини ўта нозик ва заргарона саҳна ҳаракатларида намоён этадилар. Актёрлар ўз ижодий фаолиятлари давомида бу масалада анчагина тажриба орттирганлар. Лекин асар, аввало, рус театрида, рус тилида ўйналяпти, қолаверса, бу театрнинг ижро услуби, асарларнинг бадиий-эстетик ечимига муносабати ўзбек театрига қараганда бошқачароқ. Зокировлар бундай мураккабликни енгиб, италян халқига хос муносабатни ва характерни бўрттирмасдан, асл ҳолда очиб беришга эришадилар. Улар ижросида ортиқча ҳаракатлар, юриш-туришлар йўқ. Ўз қаҳрамонларининг илиқлашиб келаётган муносабатларини кўпроқ қалб нидолари ва нигоҳлар орқали кўрсатишга интиладилар. Спектаклнинг якуний саҳналаридан бирида Марио-Ж.Зокиров қайлиғининг кўнглини олиш учун арзимаган пулга совға олади. Бу кичкина совғани кўрган Анжела-Г.Зокированинг кўзларидан ёрқин нур ёғила бошлайди. Томошабин диққат-эътибори шу дақиқаларда фақат икки актёрнинг нозик қарашлари, сўзсиз мулоқотларига қаратилади. Шу жараёнда Гавҳар ва Жамшид Зокировларнинг юксак ижрочилик маҳоратлари кўзга ташланади.

Деярли икки соат давом этадиган спектаклда бирор-бир узилиш сезилмайди. Асар ғоясининг тўлиқ очилиши, актёр ва қаҳрамонлар саҳнада бенуқсон ишлаши учун рассом Марина Саъдиева катта хизмат қилган. У қаҳрамонларнинг уй-жойини яшин тезликда поезд купесига, ундан шинамгина меҳмонхонага айлантиради, ёки бўлмаса Венециянинг гўзал оқшомларини кўз олдимизда моҳирона барпо этиши бизни ҳайратга солади. Саҳнада ортиқча уй жиҳозлари, декорация буюмлари йўқ. Ҳаммаси қаҳрамонларнинг ички ҳолатини, асарнинг асосий мағзини очиб беришга қаратилган. Рақс устаси Антон Авруцкий ва В Шапиронинг доимий ҳамфикри, иккинчи режиссёр Владимир Островский самарали ижод қилган. Режиссёр танлаган мусиқа оҳанглари, замонавий ва классик куйлар қаҳрамонларнинг ички оламини “ўқишга”, уларга ҳамдард бўлишга ёрдам беради Умуман, спектаклни кўрган томошабин ҳаёт ва одамлар ҳақида мулоҳаза қилишга, яқинларини севиб-ардоқлашга, ўз оиласини кўз қорачиғидек асрашга эҳтиёж сезади.

**Аҳмаджон РАҲИМОВ,**
**санъатшунос**

# Режиссёрлик осон эмас

**“Умрбоқий кинофилмлар яратиш орзуси” “ЎзАС”, 2010 йил, 4 июн**

Акс садо

Мустақиллик йилларида давлат кино ва телестудиялари қаторида хусусий студиялар ҳам кенг миқёсда фаолият кўрсатаётгани боис кино соҳасига кўплаб ёш ижодкорлар, ҳатто бошқа соҳа вакиллари ҳам келиб қўшилдилар. Албатта, ёш истеъдодларни кўриб одамнинг қалби қувончга тўлади. Лекин чинакам режиссёр — бу туғма истеъдод. Шунинг учун ҳам кино ва театр санъатида ўз ўрнига эга бўлган режиссёрлар бармоқ билан санарли.

Афсуски, бугун режиссёрлик дипломи бўлмаган одамлар ҳам бу нозик ишга аралашиб қолишмоқда. Нима учун дипломсиз юристлик, шифокорлик қилиш мумкин эмасу, бемалол режиссёрлик қилавериш мумкин! Дипломсиз, малакасиз юрист ёки шифокорнинг саноқли одамга зарари тегса, ҳаваскор, истеъдодсиз, етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган режиссёр миллионлаб одамлар, айниқса, ёш авлод дунёқарашига салбий таъсир кўрсатади. Назаримда, филмларимизнинг ҳам, сериалларимизнинг ҳам савиясига кино соҳасидан йироқ одамларнинг бош қўшаётгани ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Яна шуни ҳам таъкидламоқчиманки, телетомошабин учун энг қулай вақтда (20.00 — 21.30) аксарият чет эл сериаллари намойиш этилмоқда. Буларнинг ўрнига яхшими-ёмонми, ўз сериалларимизни кўрсатсак бўлмайдими? Муаллифнинг ўзбек адабиётининг сара асарларига мурожаат қилиш вақти аллақачон етганлиги ҳақидаги фикрлари ҳам жуда ўринли. Миллий сериалларимиз жаҳон экранларида намойиш этилишини ким истамайди, дейсиз. Фақат кулгиталаб, енгил-елпи нарсаларга ўч томошабин ортидан қувавермасдан, маънавияти юксак, зиёли мухлислар эҳтиёжини ҳам ҳисобга олайлик.

Шахсан ўзим ҳам ижодкор сифатида кишиларда она юртга садоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялашга қаратилган филмлар кўпайишини чин юракдан хоҳлайман. Бунинг учун барча имконият ва шарт-шароитлар мавжуд.

**Тожибой ИСРОИЛОВ,**
**режиссёр**

# БОҒЛАР ВАСФИГА КИРИШСАМ...

Бошланиши биринчи саҳифада.

Энди "Темур боғлари"га келсак, бунда боғ яратиш санъати ғоятда такомилига етган ҳолда амалга оширилган. Аввало, ўн икки боғнинг ҳар бирига алоҳида гўзал номлар берилган. Боғи шамол, Боғи дилкушо, Боғи беҳишт, Боғи Давлатобод, Боғи нақши жаҳон... каби. Номланишининг ўзиёқ бу боғлар қиёфасини кўз олдингга келтиради. Бу боғлар чорбоғ тартибида барпо этилиб, асосан икки хил — геометрик ва пейзаж кўринишда бўлган. Геометрик шаклдаги боғлар тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, энига ва бўйига бир километр кенгликдаги майдонни эгаллаган. Боғлар оралатиб қурилган бинолар деворлари боғ кўринишига мос тасвир ва ранглар билан нақшланган. Испан элчиси Клавихо де Гонзалеснинг таърифлашича, Давлатобод боғида кўплаб маҳаллий навлар билан бир вақтда лимон ва цитрус дарахтлари ҳам ўсган. Боғ ўртасидан анҳор оқиб ўтган. Боғда олтита ҳовуз бўлиб, ҳовузлар ўзаро йўлакчалар билан туташтирилган. Шарафиддин Али Яздий Боғи дилкушонинг барпо этилиши ҳақида шундай ёзади: "799 ҳижрийда, Конигил мавзеига Боғи Эрамдан кўра дил очадиганроқ, жаннат бўстонидан кўра шодлантирадиганроқ бир қаср қуришга буйруқ берилди... Боғнинг ҳар томони оралиғи 1500 газ (яъни, бир км)... Боғ ичига тўрт бурчак, олти бурчак, уч бурчакли қилиб гулзорлар тайёрлатди..." Иккинчи кўринишдаги боғ меъморчилиги эса, фикримизча табиий ер тузилиши паст-баланд бўлган, масалан, Чўпонота қирлари бағрида барпо этилган. Ва уларда ҳам бинолар, илонизи бўлиб ўтгувчи (ўша давр миниатюраларида акс эттирилганидек) жилғалар, табиий шаршаралар ҳам бўлган.



Клавихо Самарқанд боғларида мевали дарахтларнинг кўплиги, адоқсиз узумзорларнинг ястаниб ётиши, фавворалар остидаги сувларда қип-қизил олмаларнинг қалқиб туриши, товуслар оҳиста сайр қилиб юриши, дастурхонлар анвойи мева-чева, полиз маҳсулотлари билан ҳамиша тўлиб туришини ҳайратланиб ёзади: "Боғ ва узумзорлар шу қадар кўпки, шаҳарга кириб бораркансиз, гўё шаҳар қалин ўрмонлар қуршовида қолиб кетгандек туюлади...".

Айтиш жоизки, мазкур боғлар шўро тадқиқотчилари даъво қилганидек, фақат ҳукмрон доиралар истироҳати учун барпо этилмай, уларда халқ сайллари, Наврўз, Меҳржон байрамлари ўтказилган. Фақат сарой аҳли учун яратилган деган фикрга ён берган тақдиримизда ҳам, бундай тартибли боғларнинг бунёд этилиши мамлакат учун ниҳоятда фойдали бўлган. Биринчидан, боғдорчилик санъати юксалган. Иккинчидан, мана шундай гўзал оромгоҳлардан андаза олиниб, Амир Темур давлатининг барча минтақаларида боғ-роғлар барпо қилинган. Мевали дарахтларнинг янги навлари яратилган, халқ ичидан селекционерлар, уста боғбонлар етишиб чиққан...

* * *

Биохилма-хиллик генетик ресурс ҳисобланади, яъни давлат бойлиги. Табиатимиз бой, унда ўсадиган гиёҳлар, бута ва дарахтлар тури, нави беҳисоб бўлиб, буларни асл ҳолича сақлаш, кейинги авлодларга етказиш бугунги биолог олимлар, тадқиқотчилар, боғбонлар олдида турган биринчи галдаги вазифадир. Яқин ўтмишимизда табиатга фақат истеъмолчи сифатида ёндашиб, табиат бойлигига катта зарар етказилди. Кўплаб мева-чева, полиз маҳсулотларининг асл ҳолидаги ва халқ селекционерлари томонидан яратилган маданий навлари йўқолиб кетиш хавфи остида қолди. Республикамиз Марказий Осиё минтақасидаги маданий ўсимликларнинг асл ватани бўлиб, тоғолди ва тоғли ҳудудларда мевали дарахтларнинг ўттиздан ортиқ табиий ҳолда ўсувчи ёввойи турлари мавжуд. Айниқса, олма, ёнғоқ, бодом, дўлана, олча каби меваларнинг турлари кенг тарқалган. Бу дарахтлар неча минг йиллар давомида шу замин шароитига мослашган ва табиий ҳолда сақланган. Барқарор экосистемаларни яратишда уларнинг аҳамияти жуда катта. Бу дарахтлар қурғоқчиликка, ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамли. Шуни фахр билан айтиш лозимки, дунё бўйлаб тарқалган кўплаб мевачеваларнинг маданий навлари биздаги табиий ҳолда сақланган ёввойи турлардан тарқалган. Бугунги кунда олимларимиз маҳаллий навлар йўқолиб кетишининг олдини олиш мақсадида халқаро, минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг кўламда илмий-тадқиқот ва амалий ишларни олиб боришмоқда. Шундай олимлардан бири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат аграр университети ўрмончилик кафедраси мудири Абдухалил Қаюмов бўлиб, биз у киши билан биохилма-хилликни асраб қолиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Биз халқаро экологик лойиҳа тузиб, шу асосда иш олиб боряпмиз, — дейди А.Қаюмов, — ЮНЕП ва Глобал экологик жамғарма томонидан қўллаб-қувватланаётган ушбу лойиҳа Марказий Осиёда табиий ва фермер хўжаликлари шароитида мевали ўсимликлар ва уларнинг ёввойи аждодларига доир агробиохилма-хилликни сақлаш, улардан фойдаланиш бўйича тадқиқот олиб бориш, халқ боғбонлари тажрибаларидан фойдаланиш, кенг ёйиш масалаларини кўзда тутади. Мен мазкур лойиҳанинг юртимиз бўйича миллий координаториман. 1995 йилда Италия пойтахти Римдаги Биохилма-хилликни сақлашга доир халқаро марказ вакиллари иштирокида юртимизда махсус семинар ўтказилди. Семинар тавсиясига кўра пахтачилик, дончилик ва ўрмончилик бўйича учта ишчи гуруҳи ташкил этилди. Биз ўрмончилар бешта экспедиция гуруҳига бўлиниб, республикамизда мавжуд бўлган саккиз мева турлари — олма, нок, анор, узум, ўрик, ёнғоқ, бодом ва хандон пистанинг ҳам маданий, ҳам ёввойи аждодларини ўрганишга киришдик. Мазкур саккиз турнинг ҳозирча икки юз олтмишдан ортиқ навини аниқладик. Бу рақамлар ҳали якуний эмас, албатта. Боғбон ва фермерлар, уларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари билан танишдик. Лойиҳа доирасида йигирма иккита фермер хўжалиги танлаб олиниб, уларнинг ҳар бирида кўргазмали боғлар, ўн етти фермер хўжалигида эса маҳаллий навларни кўпайтириш мақсадида кўчатхоналар ташкил этдик. Боғбон-фермерлар ўртасида семинарлар ўтказиб, уларни керакли тавсияномалар билан таъминладик. Қизиғи шундаки, биз нафақат боғбонларга ўргатдик, айни чоғда улардан кўп нарса ўргандик ва ўз ишимизга татбиқ этдик ҳам. Масалан, Тайлоқ туманидан Санамой опа Шодиева, ургутлик Ашрафхон Раҳимов, китоблик Сирожиддин Қаюмов, сурхондарёлик Суюндиқ бобо Ёқубов, қувалик Санобар Маткаримова, Маҳкам Зокиров, бухоролик Меҳмонқул Остоновларнинг нок, узум, анор, ўрик, олма, бодом, ёнғоқ етиштириш борасидаги ҳайратли кашфиётлари бизга кўп нарса берди. Биз уларнинг тажрибалари асосида тавсияномалар, буклетлар тузиб, кўпайтириб, республикамиз боғбон-фермерларига тарқатдик.

Булардан ташқари, хабарингиз бор, шу йилнинг феврал ойида Республика Миллий матбуот марказида "Марказий Осиёда агробиохилма-хилликни табиий ва фермерлик шароитларида сақлаш ва ундан фойдаланиш" минтақавий лойиҳаси бўйича матбуот конференцияси ўтказилди. Май ойида ёш олимлар конференцияси ҳамда журналистлар учун Паркент туманида медиа-тур ташкил этдик. Медиа-тур иштирокчилари Абдулла Шодиев раҳбарлигидаги фермер хўжалигида бўлишди. Мазкур лалми боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигида узум ва олманинг маҳаллий навларидан мўл ҳосил олиб келинади. Лалми ерлардаги мева ва узумзорлар парвариши борасидаги тажрибаларни юртимиздаги барча суғорилмайдиган ҳудудлардаги боғбонлар ўртасида тарғиб қилсак, ўргатсак фойдадан холи бўлмайди. Ёки бўлмаса олтиариқлик боғбонларнинг қиш ойларида ҳам узумни ток новдаларида бирдай сақлаш борасидаги янгиликларни бошқа ҳудудларда ҳам синовдан ўтказиш лозим деб ўйлайман. Ўрмончилик институти томонидан ташкил этилган Сўқоқ ўрмон-тажриба станциясида бир юз ўттиз турдан ортиқ дарахт ва буталар парвариш қилинади. Биз вақти-вақти билан институтимизнинг ўрмончилик йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларимизни мазкур станцияга олиб бориб, ўсимликларнинг тоғ шароитида ўсиши, уларнинг ўзига хос жиҳатлари билан таништириб борамиз. Мақсад — ёшларимиз орасидан табиат жонкуярлари, билимдонлари кўпроқ етишиб чиқсин. Агар биз мутахассислар, боғбонлар, фермерлар, тадқиқотчи олимлар, матбуот ходимлари — ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсак, табиатимиз бойлиги, мавжуд ўсимликлар тур ва навлари сақланиб қолинади. Чунки, бир навнинг йўқолиши бу катта йўқотиш. Ота-боболаримиз қадим-қадимдан табиатга озор беришни, пайҳон қилишни, исрофни оғир гунох деб билишган...

Дарҳақиқат, шундай. Исроф оғир гунох ҳисобланган, бир туп дарахтни ўринсиз кесиш, шохларини синдириш қонун йўли билан ман қилинган. Соҳибқирон Амир Темурнинг ер ўзлаштириб, боғ-роғ яратган кишиларни солиқдан озод қилиш, бир туп кесилган дарахт ўрнига ўн туп ўтқазиш тўғрисидаги кўрсатмалари, ҳатто ўзи ҳам боғбонликка қизиққани, хусусан, пайванд қилишни яхши кўриши, қолаверса, мамлакати пойтахти атрофида ўн иккита намунали боғ яратиш хусусидаги кўрсатмалари табиатга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилганини тасдиқлайди.

Шундай экан, биз шу юрт фарзанди ва фуқароси сифатида заминимиз бойлиги — наботот оламига бефарқ бўлмаслигимиз лозим. Чунки, ҳар бир табиат неъмати ўзига хос хусусиятга эга, масалан, бири буйракка малҳам бўлса, бошқа бири жигарга қувват беради. Бири қонни тозаласа, бошқа бири нафас йўлларини равон қилади. Биохилма-хиллик учун курашаётган мутасаддилар ташвиши боиси ҳам шунда. Табиат мукаммаллиги ҳаёт мукаммаллигини таъмин этади.

"Дунёда ўн икки ҳудуд бор ва ер юзига барча мева-чевалар навлари ана шу ўн икки ҳудуддан тарқалган, — дейди суҳбатдошим, профессор Абдухалил Қаюмов, — шундан биттаси, Марказий Осиё бўлиб, генетик ресурснинг бойлиги бўйича Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради. Марказий Осиёда эса, шубҳасиз бизнинг юртимиз пешқадам. Наботот оламининг хилма-хиллиги бўйича дунёда пешқадам бўлган юртимизда ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлганидек боғдорчиликда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳали юқорида айтиб ўтганимиздек, халқ боғбонлари фаолияти учун катта имкониятлар яратилди. Мевали ўсимликларнинг маҳаллий навлари ва уларнинг ёввойи ҳолда ўсувчи аждодларини асраш, назоратга олиш йўлга қўйилмоқда. Айни чоғда, юртимиздаги истироҳат боғлари, кўча ва хиёбонлар кўкаламзорлаштирилиб, сўлим оромгоҳларга айлантирилмоқда. Биргина пойтахтимиздаги Миллий боғ, Мустақиллик ва Амир Темур хиёбонларининг кейинги йилларда бетакрор қиёфа касб этганининг ўзиёқ муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида қадим боғ меъморчилиги анъаналари қайтадан тикланаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Бугун боғ-роғларга бурканган сўлим шаҳар-қишлоқларимиз бўйлаб сайр этарканмиз, ҳазрат Навоийнинг замондоши ва шогирди Зайниддин Восифий сатрлари беихтиёр ёдга тушади. У обод ва озод Ватан тавсифида тўлқинланиб шундай ёзган эди:

**Теграсин қуршамиш гўзал чорбоғлар,**
**Алардин Эрамнинг кўксида доғлар,**
**Боғларин васфига киришсам агар,**
**Ёддан кўтарилар беҳишту Эрам...**

**Орзиқул ЭРГАШ**

---

*Ҳамкасбларимиз ҳаётидан*

# Ҳурматнинг баҳоси

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Шавкат Ибрагимов турмуш ўртоғи билан хонтахта харид қилиш учун хўжалик моллари дўконига киришибди. Улар дўконни айланиб, хонтахталарни кўздан кечиришгач, биттаси икковига ҳам маъқул бўлибди.

— Шуни оламиз, дадаси, — дебди хотини.

Шавкат ака хонтахтанинг нархига қараса, 43 минг сўм экан. Икки кун олдин дўконга кирганда худди шунга ўхшаган хонтахта 39 минг сўм тургани эсига тушиб, сотувчига юзланибди:

— Ўтган куни кирганимда шу хонтахтангиз 39 минг сўм эди. Икки кунда тўрт минг сўмга ошиб кетдими?

— Ўтган кунги хонтахталар кеча тугади. Буларни кеча олдик, янги партия. Нархи ошиб келди, — дебди сотувчи.

— Сизлар қизиқ экансизлар, — дебди Шавкат ака. — Сизларда нарх кун ўтса ошаверар экан-да. Нима сизларни назорат қиладиганлар йўқми?

Сотувчи Шавкат акани танир экан. Шунинг учун тортишиб ўтиргиси келмай:

— Домла, сизнинг ҳурматингиз бор. Майли, сиз 41 минг сўм бера қолинг, — дебди. Шунда бу гапни эшитиб турган хотини Шавкат аканинг қулоғига секин пичирлабди:

— Дадаси, кўряпсизми, ҳурматингиз икки минг сўм экан.

# Совун экан

2008 йилнинг февраль ойида журналист Собиржон Ёқубов билан Францияга сафарга бордик. Ўша пайтда Собиржон «Ҳуррият» газетасида ишларди. У кетаётганда ҳамкасб аёллардан бири:

— Собиржон, Францияда атирларнинг тозаси бўлади. Менга битта «Шанел» атиридан олиб келиб берсангиз, — деб 20 доллар пул бериб юборган экан. Парижда ўша атирни роса изладик. Ҳамма парфюмерия дўконларида атир бору, лекин нархи жуда қиммат. Энг арзони 70-80 евро.

Сафаримизнинг ўнинчи куни аввалдан белгиланган дастур бўйича Франциянинг Швейцария билан чегара ҳудудидаги тоғларга йўл олдик. Французлар тоғ тепасидаги дарёни тўсиб, иккита электростанция қурган экан. Бориб ўшаларнинг иш жараёни билан танишдик. Кейин енгил машинадан Дол деган қалъа-шаҳарга қайтдик. Шу ерда биз Леон ва Париж шаҳарлари ўртасида қатнайдиган тезюрар электропоездга ўтиришимиз керак эди. Долга етиб келганимизда поезднинг келишига ҳали бир соатча вақт бор экан. Фурсатдан фойдаланиб қалъанинг тарихий обидаларини томоша қилдик, дўконларни айландик. Бир парфюмерия дўконида Собиржон тўхтаб қолди. Кейин менга:

— Қаранг, «Шанел»нинг арзони бор экан, — деди.

50 граммли қутини қўлга олиб, ҳидлаб кўрдик. Ҳиди жуда ўткир ва ёқимли эди. Нархига қарсак, 25 евро экан.

— Ўзим пича пул қўшиб бўлса ҳам, шуни олсамми деяпман. Қаттиқ илтимос қилувди, қуруқ борсам уят бўлади, — деди Собиржон.

Олсакми-олмасакми, деб тургандик, шерикларимиздан бири тезроқ бўлишимизни, поезд келадиган вақт яқинлашганини эслатди. Шошиб 25 евро тўлаб, атирни олдигу вокзалга йўл олдик.

Кечқурун Парижда меҳмонхонада ўтиргандим, телефон жиринглади. Гўшакни олсам, Собиржон:

— Менинг хонамга чиқинг, чой ичамиз, яна бир гап ҳам бор, — деди у кулимсираб.

Хонасига кирсам, қўлида Долдан олган атирни ушлаб турибди.

— Тинчликми? — дедим гап нимадалигини тушунмай.

Собиржон кулиб юборди:

— Боя шошганимиздан ёзувларини яхши ўқимапмиз-ку.

— Нима бўлди?

— Олган «Шанел»имиз атир эмас, совун экан. 25 еврога 50 граммли совун сотиб олибмиз.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**

---

# ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

## *Азиз газетхон!*



**Йилнинг биринчи ярми ниҳояланди. Бироқ севимли газетангиз — «ЎзАС»га обуна давом этмоқда. Обуна ҳар ойнинг ўнинчи кунигача расмийлаштирилса, келгуси ойдан бошлаб жодий мулоқотимиз давом этаверади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» хонадонингизга ёз ҳароратини, куз тўкинчилигини олиб кирсин!**

***Нашр кўрсаткичимиз — 222.***

---

### *СОХТА ОШИҚ*

Бир одам айтар эди: Ишқнинг кўзи кўрдир, ошиқ жинни, мажнундир, ақл-ҳуши ўзига келса ишқидан айрилади. У фикрини қуйидаги ҳикоят билан далиллар эди.

Бир ошиқ ҳар куни маъшуқасини кўриш учун Дажла дарёсини сузиб ўтар экан. Аммо, у бир кун маъшуқасининг юзида бир доғ борлигини кўриб қолибди. Сўнг у дарёдан яна сузиб ўтаётганида маъшуқасининг юзидаги доғ ҳақида ўйлаб, жасорати тугабди ва чўкиб кетибди.

Чин ошиқ ишқда хаёлини бошқа нарсага чалғитмаслиги керак. Бир гўзал севгилисини ишқда вафодорлигини синаб кўриш учун бундай дебди:

— Эй йигит, мен унчалик чиройли эмасман, опамнинг гўзаллигини бир кўрсанг эди...

Йигит қизнинг опаси қандай экан, деб у ёқ, бу ёққа қараган экан, ишқи чин эмаслиги фош бўлиб қолибди.

Абдул-Мажид ибн Одам Саноий

# "ҲАҚИҚАТ БОҒЛАРИ" асаридан

### *ТИЛДА ВА ДИЛДА*

Уч мусулмон Рум урушига бориб, тез орада душманга асир тушиб қолибдилар. Рум қайсари вакиллари орқали уларга шарт қўйибди: "Агар ислом динидан юз ўгириб, масиҳийликка ўтсангиз, омон қоласизлар, акс ҳолда сизларни қатл этамиз", дебди.

Асир жангчилар бу таклиф ва фармонни эшитиб, ўзларича ўйга толибдилар. Асир тушган жангчилардан бири аввал фақиҳ бўлиб, шариат қонунларини (аҳкомларини) яхши билар экан. У ўйлаб кўриб, "Мен дилимда эмас, тилимда ўз диимдан кечсам, омон қоламан, бу гуноҳ бўлмас", деган хулосага келибди.

Иккинчи жангчи ҳазрат Али авлодига мансуб саййидлардан экан. У ўйлабди: "Мен вазият тақозоси билан, тилимда динимдан воз кечсам, маҳшар куни буюк аждодларим менга шафоат қилар".

Учинчи жангчи ўз умрида кўп гуноҳ ишлар қилган безори одам экан. У сафдошларининг фикрини эшитиб, ўйга толибди ва дебди:

— Менга ҳеч ким шариат аҳкомларини ўргатмаган, ҳеч бир қариндошим мени ҳимоя қилмайди. Шу сабабли мен динимдан воз кечмайман ва ўлимимга розиман. Охиратда ҳеч бўлмаса шу ишим — динимдан қайтмагач ўлиб кетганим учун менга раҳм қилишса керак. Минг-минг гуноҳ билан яшаганимдан кўра, битта савобли амал билан яхши ном чиқариб ўлганим яхши!

### *ФИЛ ҲАҚИДАГИ "ҲАҚИҚАТ"*

Тоғлар ортида фақат кўзи ожизлар яшайдиган бир қишлоқ бор экан. Бир подшоҳ шавкатли лашкари билан ўтиб кетаётиб, қишлоқ яқинида вақтинча қўниб, чодирларини тиклабди. Подшоҳнинг қўшинида кўп жангларда душманларни қийратган бир жанговар фил ҳам бор экан. Филнинг овозасини эшитган кўзи ожизлар жамоаси у қандай ҳайвон эканлигини билиб келиш учун уч вакилини юборибди.

Вакиллар кела солиб, ҳайвоннинг турли жойларини пайпаслаб, ушлаб кўришибди. Биттаси филнинг оёғини, биттаси хартумини, биттаси қулоғини ушлаб кўриб, филнинг қандайлигини билдим, деб ўйлабди.

Вакиллар ўз жамоасига қайтганида қишлоқ аҳли йиғилиб, фил нималигини тезроқ билгиси келиб, уларни савол-жавобга тутишибди. Филнинг япалоқ катта қулоғини ушлаб билган вакил:

— Фил гиламга ўхшаш, япалоқ кигизга ўхшаркан, — дебди.

Филнинг хартумини ушлагани бўлса:

— Фил — узун, эгилувчан ичакдай ичи бўш, лекин жуда кучли нарса экан, — дебди.

Ҳайвон оёғини ушлаган вакил:

— Фил устун каби йўғон ва мустаҳкам бир нарса, — дебди.

Кўзи ожизлар ҳар бири ўзи билган қисмни айни ҳақиқат деб билиб, қатъий ишонч ҳосил қилибди. Ҳеч бири филни бус-бутун тасаввур қилолмагани сабабли, у ҳақда айни ҳақиқатни билолмабди. Чунки, ҳақиқий билимни кўзи (қалб кўзи) очиқларгина билади. Илоҳий оламнинг бир бутунлигини билиш ҳам (қалб кўзи) кўрларга насиб этмайди.

**Маҳкам МАҲМУД тайёрлади**

---

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан 2007 йили Аҳмедов Элёр Бахтиерович номига берилган В №325953 рақамли диплом йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Тошкент шаҳар Сергели туман БТИ томонидан Жуманова Қурбоной Бекмирзаевна номига Қўйлиқ-5, 31-уй, 102-хонадонга тегишли бўлган уй плани йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Миробод енгил саноат касб-ҳунар коллежи (21-сонли касб-ҳунар мактаби) томонидан 2003 йили Тажимова Нодира Мамутовна номига берилган № 063111 рақамли (рўйхат рақами 144) диплом йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Учтепа туман БТИ томонидан Карабаев Джура номига Шараф 5-тор 1-хонадонга тегишли бўлган уй плани йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Мирзо Улуғбек туман Қорасув-1 36-уй 13-хонадонга тегишли Турсунов Джумабек Кубекбаевич номига берилган уй ҳужжатлари; хонадон плани, давлат ордери, уй китоби йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Давлат унитар корхонаси Автоколонна —2521(ИНН-200524093) **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар Хабаровская кўча 34-хонадонда қабул қилинади.

* * *

Шайхонтоҳур туман Усмон Юсупов кўчаси 6 "А" уй "SAIDVALIXON INVEST" МЧЖ (ИНН-300083585. ОКОНХ 18114) таъсисчининг қарорига муфовиқ **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар 244-13-46 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

* * *

Миробод туман "NILUFAR DIAMOND" хусусий корхонаси (ИНН-301483689) **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 290-52-24, 774-60-66 телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

* * *

Ҳамза туман М.Хасанов кўча 24-уй 6-хонадонга тегишли Обижаев Николай Антонович номига берилган уй ҳужжатлари; хонадон плани, давлат ордери, олди-сотди шартномаси йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Собир Раҳимов туман хокимияти томонидан рўйхатга олинган "SIDIO DUO FOOD" хусусий корхонаси "SIDIO DUO FOOD" МЧЖга айлантирилди. Даъволар 214-46-32 телефон рақами орқали қабул қилинади.

* * *

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги томонидан 2004 йили "O`ZGAZINJINIRING" хорижий шўъба корхонасига реестр тартиб рақами №263, №3578 билан берилган гувоҳнома йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани 185-ўрта таълим мактаби томонидан Джагангиров Бахтиёр Ташкенбаевич номига 1983 йили №261638 рақами билан берилган ўнинчи синфни йилда тугатганлиги ҳақидаги аттестат йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Андижон Давлат Тиббиёт олийгохи томонидан 1993 йилда педиатор Абдувахабова Мукаддас Рахимбердиевна номига берилган №032318 рақамли диплом йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Ташкилот 2008 йилда ишлаб чиқарилган ишлатилган TAYOTA PRADO автомашинаси келишилган нархда сотади. Мурожат учун телефон: 233-16-76.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ушбу марказнинг собиқ ходими Рустам Хўжаевга опаси

**Лола АБДУРАҲМОНОВА**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*
*ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O`zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи — Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 6973. Буюртма Г — 648. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН